

Ғайрат Маъинд

ИШҚҚА
БОРЛАР
ЙҮЛ

Шеърлар



ТОШКЕНТ
•O'ZBEKISTON•
2009

Ёшлик ва муҳаббат куйчиси Файрат Маждни шеърят мухлислари яхши билишади. Унинг навбатдаги китобига мардликни, Ватанпарварликни улуғловчи, отанани, она Ватанни севишга ундовчи янги шеърларидан тартиб берилди.

Республикамизнинг қадим тарихга эга бўлган қишлоқларидан бири Хўжаилмконидан етишиб чиққан Файрат Мажднинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» муносабати билан нашр этилаётган мазкур китоби ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

ISBN 978-9943-01-353-7

© "O'ZBEKISTON" НМИУ, 2009



Юлдузлар илк
күшкә аттаман



Севги-севги дегани,
Оламдан ҳам эскима.
Янгилайман мен уни
Кўнгилжоним, ўксима.
Дунё, ғариб куйларинг,
Кўшиқ тўла кўксима.
Мен дилларни навога
Тўлдиргани келганман.

Аслида бир гард бўлмас,
Уним бўлар унларда.
Доим аҳли муҳаббат,
Тоқатлидир мунгларда.
Кўрқма келса бостириб
Бахти қаро кунлардан.
Мен дилларни зиёга
Тўлдиргани келганман.

Жимирлаган юлдузлар
Балиқларга туморлар.
Эй ой, йўқдир мен каби
Жамолингга хуморлар.
Гар дардингиз тузалмас
Бўлса ҳамки беморлар.
Мен дилларни шифога
Тўлдиргани келганман.

Она тупроқ гардларинг,
Тошларингни севдимман.
Дарахтларинг, гулларинг,
Кушларингни севдимман.
Бул бевафо дунёси
Пок бўлсин-эй, девдимман.
Мен дилларни вафога
Тўлдиргани келганман.



МАРДЛАР ЮРТИ

Шивирлаб мозийдан чинорлар айтсин,
Бир ажиб сукутда минорлар айтсин,
Бу кунни чин ёрлар, чин орлар айтсин,
Боболардан мерос мардлар юрти бу!

Шаҳри Кеш, Самарқанд, Китобларим-эй,
Қалбимда жойлашган офтобларим-эй,
Эй сиз, айтилажак хитобларим-эй,
Боболардан мерос мардлар юрти бу!

Муҳаббат оҳанги ол чечакларда,
Барчин садоқати келинчакларда,
Қанча Алпомиши беланчакларда,
Боболардан мерос мардлар юрти бу!

Дилсиз қайдасану дилсиз қайдаман,
Сачраниб уйғондим, дилга қайтаман,
Юлдузларга чиқиб қўшиқ айтаман,
Боболардан мерос мардлар юрти бу!



ҲЕЧ КИМГА ҶҲШАМАЙСАН

Ўзингсан изтиробим,
Кўзимда севинч—майсан.
Ҳам офтоб, ҳам моҳтобим,
Ҳеч кимга ҷҲшамайсан.

Гулларки, гулдан гўзал,
Дилларки, дилдан гўзал,
Унларки, ундан гўзал,
Ҳеч кимга ҷҲшамайсан.

Гул бўлсам илдизимсан,
Сой бўлсам ялпизимсан,
Юлдузман, юлдузимсан,
Ҳеч кимга ҷҲшамайсан.

Дилимда гулим — Ватан,
Гулимда дилим — Ватан.
Ҳеч кимга ҷҲшамайман,
Ҳеч кимга ҷҲшамайсан.



ВАТАНДИР

Она, сен дилим сезган,
Меҳр жадвалин тузган,
Ҳозир тандирдан узган
Кулчаларинг Ватандир.

Синглим, дунё ғуборли,
Озор тўла бозорли,
Чаккангдаги ифорли
Гулчаларинг Ватандир.

Ўғлим, чулдирашинг ҳам,
Той-той, пилдирашинг ҳам,
Ҳам юзимни силаган
Қўлчаларинг Ватандир.

Қизим, юракни тўксак,
Қушиқ бўлади бешак,
Кўзингда кўкдан юксак
Дилчаларинг Ватандир.



АЛПОМИШНИНГ ҚҰШИҒИ

Кўнглим мамлакатин султони, моҳим,
Султон бўлармиди ултони, моҳим,
Орият қалбларнинг бўстони, моҳим,
Не бордир Ватандан азиз, Барчиним.

Одамми севмаса Кўнғиротини,
Қизғонса ёридан ишқ – баётини,
Бахшида этмоқ-чун бор ҳаётини,
Не бордир Ватандан азиз, Барчиним.

Йўлидан қайтмайди марднинг боласи,
Юракка кўмилар дарду ноласи,
Қачон ғолиб бўлган одам оласи,
Не бордир Ватандан азиз, Барчиним.

Қалдирғоч синглим-эй, баҳодир синглим,
Муҳаббат кўксимда ҳаводир, синглим,
Олсам, элдан олдим хавотир, синглим,
Не бордир Ватандан азиз, Барчиним.

Ҳар кимга битта дўст – Қоражон даркор,
Ҳар кимга тоза ишқ, соф иймон даркор,
Кўнғирот элига учгил Бойчибор,
Не бордир Ватандан азиз, Барчиним.

Ё, Ҳақ де, Ёдгорим, пирлар қўллагай,
Дуолар покиза – нурлар қўллагай,
Шул чаман, шул адир, қирлар қўллагай,
Не бордир Ватандан азиз, Барчиним.



* * *

Кучоқлагим келади сени,
Ва сингдиргим келар бағримга.
Дунё, сенинг юрагинг бошқа,
Тушунмайсан менинг меҳримга.

Гули, дейман аланглар гулзор,
Жавоб бер, дил, сўроқларига.
Мен дунёни кўмиб ташлайман,
Кўзларимнинг туфроқларига.

Туфроқларни ўпаман қониб,
Тепкилайман гоҳида — телба,
Сенсиз қалбим ғарибдан-ғариб,
Сувоқлари кўчган бир кулба.

Ўпгин, дейсан,
Кучоқла, дейсан!
Оҳ, қанчалар ҳаёт бу, эркам!
Буюк бўлсанг қанчалар
шунча —
Кучоқларим кичкина экан.



ОНАЖОН ШАҲРИМ

*Тошкент шаҳрининг
2200 йиллигига*

Бу эл дуо қилиб фарзандларини,
Чақмоқдай чақнасин ҳар сўзинг дейди.
Инсонга ҳамиша нонмас насиба,
Фуруринг, оринг ҳам ризқ-рўзинг дейди.
Азал кўнгилларга шараф-шон шаҳрим,
Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.

Мозий садо берар турли номлардан,
Бинкатми, Чочми ё Мадинат уш Шош.
Йўлин йўқотганга йўл бердинг доим,
Қалбларни ёритдинг бамисли қуёш.
Айланай, ўргилай, нурмакон шаҳрим,
Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.

Эй одам, кўнглингдан ғаразларни қув,
Бизни асраш учун неъматдир ислом.
Бугун кўриб туриб кўзинг қувнайди,
Тоатга чорлайди Ҳазрати Имом.
Билдим, юракларга зўр иймон шаҳрим,
Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.

Масжид-мадрасалар қутлуғ меросдир,
Дилларга қувватдир мусҳафи Усмон.
Ҳикмат бор: нонидан еган бир чумчуқ,
Маккадан ҳам қайтиб келгай бегумон,
Тинчлигу дўстлигу буғдой-нон шаҳрим,
Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.

Истиқлол зиёси қалбларга шифо,
Фарзандлар юртини кўтармоқда шаън.
Кўприклар, кўчалар, кўркам бинолар,
Таъриф-тавсифлардан юксакроқ маскан.
Дилларда орзулар осимон шаҳрим,
Жонажон Тошкентим, онажон шаҳрим.

Темур ҳайкалига боқиб бир сайёҳ,
Деди ҳайратини яширмай бир дам:
“Аждодларин севган юртнинг соҳиби,
Буюк келажакка бошлар элни ҳам...”
Жонажон Тошкентим, жонажон шаҳрим.
Онажон Тошкентим, онажон шаҳрим.



ИФТИХОР

*Мустақиллигимизнинг
ўн етти йиллигига*

Орзуси осмондан ўтган элдир бу,
Меҳри қуёшга тафт тутган элдир бу,
Манглайига хурлик битган элдир бу,
Истиқлол ўн етти ёшингдан сенинг,
Юртим, ҳумо кетмас қошингдан сенинг.

Иймони собитнинг бахти бут бўлгай,
Меҳнатдан топгани доим қут бўлгай,
Халқи аҳил бўлса юрт ҳам юрт бўлгай,
Истиқлол ўн етти ёшингдан сенинг,
Юртим, ҳумо кетмас қошингдан сенинг.

Шукр, Бухорийлар руҳи шод бўлди,
Термизий боболар яна ёд бўлди,
Мингта дoston этар гул ҳаёт бўлди,
Истиқлол ўн етти ёшингдан сенинг,
Юртим, ҳумо кетмас қошингдан сенинг.

Соҳибқирон руҳи кезар дилларни,
Ҳожа Аҳрор Валий сезар дилларни,
Улуғлар ҳикмати безар дилларни,
Истиқлол ўн етти ёшингдан сенинг,
Юртим, ҳумо кетмас қошингдан сенинг.

Буюк келажакка боққан кўзларинг,
Иймонга қоришиб балққан юзларинг,

Дилингда эрк дея қалққан сўзларинг,
Истиқлол ўн етти ёшингдан сенинг,
Юртим, ҳумо кетмас қошингдан сенинг.

Улкан дарахт бўлгай дилда бор Ватан,
Дунёларга машҳур тилда бор Ватан,
Ўзбек деган буюк элда бор Ватан,
Истиқлол ўн етти ёшингдан сенинг,
Юртим, ҳумо кетмас қошингдан сенинг.

Сен азалий умидим,
Дилимдаги учқунсан.
Бир учқунки, қуёшга
Нурлар сепган ёлқинсан.
Кўнглим дарёларида
Мангу жўшар тўлқинсан.
Алпомишдай паҳлавон
Ўғлон бўласан, ўғлим.
Шу юрт учун мустаҳкам
Кўрғон бўласан, ўғлим.

Боболарнинг умиди
Юрагингда Бобурим.
Мен илдишман, сен ундан
Бақувват жонтомирим.
Яша дейман элимнинг
Енгил этиб оғирин.
Алпомишдай паҳлавон
Ўғлон бўласан, ўғлим.
Шу юрт учун мустаҳкам
Кўрғон бўласан, ўғлим.

Фақат рост бўл, ҳамиша
Чинларингни кўрсин эл.
Кўнгилларни яшнатган
Унларингни кўрсин эл.
Энг муаззам, энг бахтли
Кунларингни кўрсин эл.
Алпомишдай паҳлавон
Ўғлон бўласан, ўғлим.
Шу юрт учун мустаҳкам
Кўрғон бўласан, ўғлим.



АЙЛАНАЙИН

Ёшлар эмас, кўзларимдан дилим томса,
Жон-эй, кўзим, дилим сенга гулим томса,
Дунё-дунё кўнгилларга тилим томса,
Айланайин, ёрим, гулим, жоним Ватан.

Барчинларга элтади бу отлар яхши,
Юрагимжон, ўзинг топган зотлар яхши.
Алвон-алвон хотиралар, ёдлар яхши,
Айланайин, ёрим, гулим, жоним Ватан.

Осмонлар паст, осмонларга бормайман мен,
Туфроқ турфа, барига қалб қормайман мен.
Бўлди, сендан бошқага дил ёрмайман мен,
Айланайин, ёрим, гулим, жоним Ватан.

Кўнгилчамга булбулларим ин қўйдилар,
Баҳорлар гул адирларни чин қўйдилар,
Сўнг кўксимга бошларини жим қўйдилар,
Айланайин, ёрим, гулим, жоним Ватан.

Айтмайсанми, бу қандайин оҳлар бўлди,
Оҳлар дилни гул шохига боғлар бўлди.
Боғлар боқинг, бирам гўзал чоғлар бўлди,
Айланайин, ёрим, гулим, жоним Ватан.



НАВОИЙ

Осмон ўпар бир чўққи,
Азим тоғдир Навоий.
Мевалари энг тотли,
Битмас боғдир Навоий.

Камолот осмонига
Элтар учоқ Навоий.
Қуёшга ҳам тафт берган,
Сўнмас ўчоқ Навоий.

Жонимдайин мукаррам,
Қароғим ҳам Навоий.
Зулумот йўлларда нур —
Чароғим ҳам Навоий.

Даврон ўтиб кетгайдир,
Собит даврон Навоий.
Адабиёт мулкида
Соҳибқирон Навоий.

Дунё нима, дунёси
Мағрур, ғолиб Навоий.
Ки ошиқ кўнгилларга,
Дўсти маҳбуб Навоий.

Ифорлари, англасанг,
Гулбоғ бўлгай Навоий.
Кўнгилларга абадий
Сабоқ бўлгай Навоий.

ҲАЗРАТИ БОБУР

*Бошимни олиб, эй Бобур,
оёқ етганча кетгаймен.*

Заҳириддин Муҳаммад Бобур.

Кимга дунё, кимга кўнгил шоҳ экан,
Дунё деганлари алам, оҳ экан,
Оламга умиди дўст, ҳамроҳ экан,
Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Иймонни дилида туғдай тутган зот,
Орини тоғлардан баланд этган зот,
Отнинг устида ҳам ашъор битган зот,
Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Ҳаёт бошдан оёқ бепоён тилсим,
Гоҳ қондош сотишин ким ўйлаб билсин,
Қалби қулф касларга Худо бас келсин,
Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Шу чоғ ёлғиз кўйгин ҳабиби ҳамдам,
Кўнгил зор қақшаса ким қилгай мотам,
Гоҳида ўзидан безаркан олам,
Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Сиз бирлан бир мумтоз маҳаллар кетди,
Ишқ бунёд этган Тоҷмаҳаллар кетди,
Ҳумоюн, Комрону Акбарлар кетди,
Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?

Етар бас, кўнглимга кетгайман мен ҳам,
Бир гўзал оламга етгайман мен ҳам,
Шу юрт деб,
Шу эл деб ўтгайман мен ҳам,
Қаён кетмоқдасиз, Ҳазрати Бобур?



СОҒИНЧ

Ичикдим. Онажон, сени соғиндим,
Эркаланиб ҳолинг сўргим келмоқда.
Билагингга бошим қўйганча тагин,
Кичкина Ғайратни кўргим келмоқда.

Жонимга ҳам тегди ғийбатчи шаҳар,
Даҳри дун устимдан зўрлик қилмоқда.
Қирққиз тепаларми, о, бирам гўзал,
Шаҳар кенг бўлса ҳам торлик қилмоқда.

Бугун қайтаманми, эрта қайтаман,
Оппоқ соғинчларим — нолалигимга.
Мени Булбуллакка қайтмоғим осон,
Қандай қайтса бўлар болалигимга.

ДУОСИН ОЛ ОНАЖОНИНГНИ

Асрор акага

Биров шайдосидир обрў, шонингни,
Биров билмай қолсанг, олса молингни,
Сен бошқа миннатсиз меҳр топмассан,
Дуосин олиб қол онажонингни.

Ҳар сўзи минг йиллик дардингга дармон,
Неки истаги бор, англагил — фармон.
Билсанг, шу кимгадир аламли армон,
Дуосин олиб қол онажонингни.

Дунёнинг биз билмас асрори бисёр,
Дўстингман деб юрган агёри бисёр,
Салоқат билмаган дилдори бисёр,
Дуосин олиб қол онажонингни.

Беш кунлик дунёда ҳаммамиз меҳмон,
Гоҳо бир ширин сўз зўр лутфу эҳсон,
Тилагинг ижобат бўлгайдир осон,
Дуосин олиб қол онажонингни.

Тилинг бўшамасин ҳамду санодан,
Бир хабар етмишдир Ҳақ Мустафодан,
Жаннат истар бўлсанг Қодир Худодан,
Дуосин олиб қол онажонингни.



Тамом, мендан шоир чиқмайди.

Қўчқор Норқобил.

Тўп-тўп юлдузларни ичди кўзларим,
Она, мен тунлари саробни чекдим.
Тоғлардан тонг бўлиб отгим келарди,
Аммо нега чўкдим, мен нега чўкдим.

Кўй боқиб юрардим қирларда шодон,
Унутиб бўларми ўшал кезларни.
Она, кечир мендан шоир чиқмайди,
Гуноҳига қолдим буюк сўзларнинг.

Ишқу дардга тўла жомни сипқориб,
Негадир ақдан озгим келади.
Қуп-қуруқ қофия бўлиб қолса ҳам.
Шеър ёзгим келади, ёзгим келади.

Осмонга осилсам қувончлар эмас,
Дардлар туғилдилар янги ва янги.
Шеър ёзмоқ аслида дилни тилкалаб,
Юракдан англамоқ эрк деган тонгни.

Қирқ мингта бўлакка бўлинган дилни,
Қирқ кокил гўзаллар нечун йиғмайди.
Она, Ватан сўзин шеър қилмоқ учун,
Файрат Мажидларинг минг йил йиғлайди.



Курсдошларимга

Дил боқади, кўларингиз — дарчалари,
Ўйларингиз мангу яшил арчалари.
Нигоҳимдан аёнмасму барчалари,
Битта-битта суйгим келди ҳаммангизни.

Қандай гўзал, муҳаббатга ошно дамлар,
Дил тубида ғамли, ғамсиз бино дамлар.
Хотир — руҳим қўлларида хино дамлар.
Битта-битта суйгим келди ҳаммангизни.

Адирдаги болани сиз билмайсизми,
Оҳ, бу йиллар... шароб этиб сунмайсизми,
Қабутардек кафтларимга қунмайсиэми,
Битта-битта суйгим келди ҳаммангизни.

Хайр этарлар, ёки буткул хайр этарлар,
Ажралгиси келмай турган қабутарлар,
Ҳаммалари юрагимда сайр этарлар,
Битта-битта суйгим келди ҳаммангизни.



★ ★ ★

Сўраманг, кўйинг-эй, бағритош ўғил,
Кимларга тутдим ман шу битта жонни.
Қачон борган эдим, эсимда йўқдир,
Унутиб кўйдимми Хўжа Илм Конни.

Тошнинг хур қизи-ла юрганларимдан,
Синглимнинг сочини ўрганим яхши.
Менинг тутуруқсиз айтганларимдан
Дазмол қилинмаган кўйлагим яхши.

Мен сизни унутиб айтганим бари,
Онажон, қалбимга қадалган ўқдир.
Бир сиздан топганим бошқа каслардан,
Покиза меҳрни кўрганим йўқдир.

Қирққизда энг гўзал кунларим қолди,
Суғириб юракни отдим чўғимга.
Менинг куним бекор, унларим бекор,
Сизни асролмасам қорачигимда.



ЮРТИМНИНГ ЁЗИ

Шилдираб-шилдираб оққан ариқлар,
Англадим, заминнинг соҳир овози.
Олов атиргуллар — сўлим ошиқлар,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.

Кўҳлик қизлар каби юзи қизармиш,
Ва ё бу шунчаки олмалар нози.
Қушчалар тилида саною хониш,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.

Чарос, боғ-роғларнинг мунис нигоҳи,
Бир ҳикмат хабари олча-гилоси.
Таъриф-тавсифингни тополмам гоҳи,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.

Мен меҳр кўраман кўш тафтида,
Бўлиқ бугдойзорлар далалар рози.
Осмон ҳам эъзозда дарё кафтида,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.

Эй мағрур тоғларим, ибрат мактаби,
Дилбандлар қувончи диллар баёзи.
Неъматлар шукридан қалблар матлаби,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.

Ифтихор ҳиссидан диллар нурафшон,
Туганмас юраклар файзи, фаёзи.
Мен муножот айлар куйчи шоирман,
Айланайин сендан, юртимнинг ёзи.



ДАДАМГА МАКТУБ

Мен қаяққа кетаяпман, Рабб?!
Кўнглим сенга не қилдим ваъда?
Тезроқ бормоқ истайман ахир,
Қишлоқ жуда олисми, дада?

Гўзал, гавжум, катта шаҳарда
Мен ёлғизман, ёлғизман жуда.
Ва ёки бу дунёларинда
Ҳамма одам ёлғизми, дада?

Фақат, фақат юракка оғир
Ўтар бўлса умри осуда.
Тоғлар бағрин қонталаш қилган
Лолалари ол ҳисми, дада?

Кўзларингдан айланай, синглим,
Бу гулзорда гул йўқ бирорта.
Кел, иккимиз сўраймиз бирга,
Энг гўзал гул ялпизми, дада?

Мен қаяққа кетаяпман, Рабб?!.



Тоғам Салоҳиддиннинг айтганлари

Ота...

Нетай, чексиз менинг йўлларим,
Ёмғирлар эзгилаб ёғди дилимни.
Минг йилким, ҳали ҳам топа олмадим,
Юм-юм йиғлаётган телба кўнглимни.

Мана, кетаяпман, мени тушунган,
Бошин қуйи солиб йиғлади толлар.
Бир куни қадримга етасиз мени,
Ана, қулаб тушди паҳса деволлар.

Бир куни кундузлар ортимдан чопгай,
Райҳонлар ўпади менинг изимни.
Мени ҳеч кимсага ишонмас кўнглим,
Ҳеч кимга бермайман, ҳис—юлдузимни.

Бахтиёр, сен менинг бахтиёрлигим,
Қучоқлаб ўпаман шўх қизларимни.
Қишлоққа қайтган чоғ, қизғалдоқ қирга,
Мен сочиб яшайман юлдузларимни.

ХЎЖАИЛМКОНИ

(*достондан*)

* * *

Ҳавас қилса арзир саккиз жаннат ҳам,
Энг гўзал маъво бор Хўжаилмконда.
Кунларни куйдирар чеҳра бор айтсам,
Менинг кўзларимни тортган томонда.

“Яйрадим” сўзини ёза олмадим,
Кўнгил кошонамнинг равоқларига.
Мен маҳзун кўшилдим ички дард билан,
Каврўз қушчаларин сайроқларига.

Ялпизлар дардимни сочди ҳар томон,
Қирларда қизғалдоқ бўлди юрагим.
Ўғил бўлолдимми сизга, онажон,
Ўғил бўлолдимми сенга, қишлоғим.

Қишлоғим, айтарман кўзимга суртиб,
Бир сиқим тупроғинг – бир дунё бахтим.
Мен кутавераман интиқ, энтикиб,
Гўзал санамчалар кулгуси тахтим.

Мен илҳом тиладим Хўжаилмконнинг,
Оловли-оловли нигоҳларидан.
Юрагим безовта энди кўнглимнинг,
Ҳайқириқ сачрайди вароқларидан.

* * *

Қўрғонтепа кўнглимга ҳам қўрғон бўлгай,
Кўксим очсам, оламда бир сурон бўлгай.
Ичимда бир Ватан яшар, эй ёронлар,
Хўжаилмкон – Ўзбекистон, Турон бўлгай.

Асли қадоқ қўллар бўлар Кориз деган,
Коризини эли суйиб Каврўз деган.
Ичидаги Ватанини севса одам,
Ҳар лаҳзаси байрам бўлар наврўз деган.

Булбуллакда булбуллари хониш этар,
Қирққизида қизғалдоқлар ёниш этар.
Ичидаги Ватанини йўқотса ким,
Юрагини оёқларда ковуш этар.

Тоза орзу, дардга дўсту ошнадирман,
Тоғлар бағрин ёриб чиққан чашмадирман.
Ичимдаги шу Ватанга билсангизлар,
Ташнадирман, ташнадирман, ташнадирман.

Минорлари қалбим учун савлат, дўстим,
Ҳар бир гишти улкан тарих, давлат, дўстим.
Ичкарида Ватан агар омон турса,
Қоқилмайди, йиқилмайди авлод, дўстим.

* * *

Ёнаётир юрагим,
Қалбим тўла наволар.
Шамоли йўқ, эй дунё,
Кўксим тўла ҳаволар.

Дунё гоҳ мард, номардга,
Биздан сабр шу шартга,
Дилимдаги доғ- дардга,
Керак эмас даволар.

Дил дунёни енгил-да,
Зўр хаёлга чўмгил-да,

Ишқ бўлмаса кўнгилда,
Заққум бўлар ҳалволар.

Кўнгил нолакор найсан,
Хўб ўзингни қийнайсан,
Ахир, қандай суймайсан,
Армон дилни саволар.

Тоза бўлса дил уни,
Пок айласанг орзуни,
Насиб этгай бир куни,
Сен излаган маъволар.

* * *

Тошлар йўқдир дилимда,
Гулим бордир, осмоним,
Гулшан ўнгу сўлимда,
Сўлим бордир, осмоним.

Фақат кўкка узанган,
Кўлим бордир, осмоним.
Гулхан билан безанган,
Дилим бордир, осмоним.

Шошар, тошар, тўхтамас,
Селим бордир, осмоним.
Дамлар сўзим сўз демас,
Елим бордир, осмоним.

Учқур парли тулпорим —
Йўлим бордир, осмоним.
Кўнглимда оху зорим —
Элим бордир, осмоним.



Йиғлагим келади, йиғлагиларим,
Оқиб кетгим келар кўз ёшларимда.
Мен сизни қуёшим дея атадим,
Яшагим келади қуёшларимдай.

Оқиб кетгим келар кўз ёшларимда,
Ювилиб кетсайди дилдан сиёҳлар.
Мен сизни тушунмоқ истайман тоғлар,
Англамоқ истайман сизни гиёҳлар.

Мен сизни қуёшим дея атадим,
Сомон йўлларига ўзни бошлайман.
Зиёларни тўсган булутларни шарт,
Руҳим шамолида суриб ташлайман.

Йиғлагим келади, йиғлагиларим,
Оқиб кетсам дейман кўз ёшларимда.
Мен сизни қуёшим дея атадим,
Яшагим келади қуёшларимдай.



*Ҳазрати Хожсаги
Имканагий зиёратларида...*

Ҳазрат Имканагий, ҳазрат бобожон,
Мана қошингизда турибман йиғлаб.
Оппоқ туйғулар-ла поклаб руҳимни,
Топиб олгим келар ўзимни йўқлаб.

Ҳазрат Имканагий, ҳазрат бобожон,
Не бўлса тақдирдан ҳавола бошга.
Эҳтимол, кимгадир кулгили, лекин
Ёнмоқ не ўргатгим келар қуёшга.

Ҳазрат Имканагий, ҳазрат бобожон,
Умримми, бепоён сўнгсиз йўлдадир.
Бугун неларнидир англагандайман,
Имкон ҳам, имдод ҳам бари дилдадир.

Ҳазрат Имканагий, ҳазрат бобожон,
Йўқ-йўқ, мен ўзимга қилмайман шафқат.
Тангрим, ўтмоқ учун хорли йўллардан,
Тилайман, тоғлардан мустаҳкам тоқат.

Ҳазрат Имканагий, ҳазрат бобожон,
Заминда қоларми босган изларим.
Кибор-ла боқмадим осмонларга мен,
Барча маъно бўлса ердан изладим.

Ҳазрат Имканагий, ҳазрат бобожон,
Бўғзимни тирнайди нурли бир нидо.
Тупроқда ётиб ҳам юксаксиз кўкдан,
Сизга етказсайди мени ҳам Худо.

★ ★ ★

Қабр тошида жумладан шундай сўзлар бор: «...Бу қабр нурга тўлсин. Орифлар султони. Жаноби Ҳаққа восил. Жамоанинг чин маслакдоши, ишончи. Ва султонларнинг, халқнинг таянчи. Ва камбағалларнинг фақири ва улуғларнинг улуғи. Фозилларнинг, солиҳларнинг дўсти...»

Мен ҳам ташнаи зорман,
Мен ҳам илм толиби.
Орифларнинг султони,
Султонларнинг орифи.

Сиздайларсиз дунёнинг,
Кўчиб кетгай қолипи.

Орифларнинг султони,
Султонларнинг орифи.

Энг енгилмас баҳодир –
Ким нафсининг ғолиби.
Орифларнинг султони,
Султонларнинг орифи.

Кўнглим маним бемордир,
Эй кўнгиллар табиби.
Орифларнинг султони,
Султонларнинг орифи.

Не қилсанг ҳақ йўлида,
Ҳамдам бўлгай ҳабиби.
Орифларнинг султони,
Султонларнинг орифи.

Дунё – сароб, дунё – туш,
Шартми таъбир, таърифи.
Орифларнинг султони,
Султонларнинг орифи.

Мен ҳам ташнаи зорман,
Мен ҳам илм толиби.
Орифларнинг султони,
Султонларнинг орифи.

* * *

*Ҳазрати Абулқосим Имканагий раъзалари
олдида кўнгилдан кечган кечинмалар...*

Ҳар дам дони қолган, сомон қолмаган,
Йўлларим чароғон, тумон қолмаган,

Кўнгилда иштибоҳ, гумон қолмаган,
Дилимда ишончим мўлдир, Ҳазратим.

Етти фалакдан ҳам ошмоқ истайман,
Мен фақат ўзимдан қочмоқ истайман,
Азим дарё бўлиб тошмоқ истайман,
Кўзим ҳам, қалбим ҳам Нилдир, Ҳазратим.

Олам асрорлари аён бўлгайму,
Гуллари қалбимда шоён бўлгайму,
Нигорон кўзларда поён бўлгайму,
Умрим соғинч деган йўлдир, Ҳазратим.

Улкан қояларми, сергак аслида,
Ўйлайман, осмонга тиргак аслида,
Инсонга нима ҳам керак аслида,
Англаса дил Ҳаққа қулдир, Ҳазратим.

Дилимни ишқ бирла обид этмасам,
Ҳою ҳавасларни нобуд этмасам,
Энг тоза иймонда собит этмасам,
Кўрганим бари бир пулдир, Ҳазратим.

* * *

1973 йилда улуғ аллома ва шоир Мирзо Камол Охунд вафот этдилар. Ул зотни қабрга қўйиш олдидан Шаҳрисабз имом-хатиби Ҳожи Пўлатхон шундай деган экан: *“Биродарлар, биз Мирзо Камол домлани эмас, бир уй китобни тупроққа қўймоқдамиз...”*

Зулумот йўлларда адашмасин деб,
Тангрим, бандасига берган офтобни.
Дўстларим, биз Мирзо Камолни эмас,
Тупроққа қўйдик биз бир уй китобни.

Дунё неъматларин ўлчаш мумкиндир,
Ўлчаб бўладими Ватан меҳрини.
Дўстларим, биз Мирзо Камолни эмас,
Тупроққа қўйдик биз пок ишқ сеҳрини.

Бевафо дунёда елиб, югуриб,
Одамзод излайди покиза бахтни.
Дўстларим, биз Мирзо Камолни эмас,
Тупроққа қўйдик биз энг улкан шахдни.

Сўлим чаманларда ғунчага боқиб,
Кўргайман муборак орни, ҳаёни.
Дўстларим, биз Мирзо Камолни эмас,
Тупроққа қўйдик биз нурни, зиёни.

Бу шуъла, бу ёғду дилни нурлатар,
Соғинчли оламим нурбоғ бўлгайлар.
Дўстларим, улуғлар ўтсалар ҳамки,
Тирикларга доим сабоқ бўлгайлар.

* * *

Бобомдан эшитганим бор: “*Бир куни қишлоққа келган зиёратчилардан бири сағана олдига келиб энди сиздан айрилмайман деб йиғлар эди*”.

Жонимми, қонимми кўпириб келди,
Еллар не кўйларни супириб келди,
Бир гулнинг ифори уфуриб келди,
Ҳеч ҳам айрилмаймиз бир-биримиздан.

Ғафлатлар чилпарчин, огоҳлар чил-чил,
Юрагим портлади, нигоҳлар чил-чил,
Бир нафис куй келди, сегоҳлар чил-чил,
Ҳеч ҳам айрилмаймиз бир-биримиздан.

Қавслар қавси ҳол айлади, кулди,
Устимдан хазонлар тайлади, кулди,
Ўқладими, билмам ёйлади, кулди,
Ҳеч ҳам айрилмаймиз бир-биримиздан.

Айланиб, ўргилиб кетаман сирга,
Ўйларим қонаган юрак — адирга,
Олам тўлиб кетар ям-яшил нурга,
Ҳеч ҳам айрилмаймиз бир-биримиздан.

* * *

Ҳазрат Навоий Самарқандда яшаб юрган пайт-ларида Хўжайилмкони қишлоғига ҳам келганлар деган тахминлар бор. "Сабаъи сайёр" достонидаги учинчи иқлимдан келган мусофир ҳикоясида тасвирланган обида қишлоқдаги зиёратгоҳ бўлиши мумкин, деб эътироф этишган олимлар. Мен ҳам бу эътироф ва тахминларнинг ҳақиқат эканлигига ишонгим келади.

Орзулар қалбимнинг боғчаларида,
Дилимнинг дилларга сўзлари бордай.
Қишлоқнинг қум-тупроқ кўчаларида,
Ҳазрат Навоийнинг излари бордай.

Баъзида бўғзингдан олади ҳаёт,
Баъзан таърифи йўқ дилбар ҳаётнинг.
Гўё хонақоҳга чорлаб улуғ зот,
Ўлмаслигин айтар тоза баётнинг.

Қадим обиданинг қадим гиштарин,
Бизни кўриб турар кўзлари бордай.
Боқдим, ҳужраларда ўзгача фусун,
Ҳазрат Навоийнинг излари бордай.

Қалбу шууримда нурлар олами,
Туш бўлса керак деб ўйлайман гоҳи.
Ҳазрат Навоийнинг ҳар бир қадами,
Ишқ ва камолотнинг буюк даргоҳи.

Нурли чехраларга боқаман тўйиб,
Меҳмонга деган нон-тузлари бордай.
Чашмалар бўйини ўпаман суйиб,
Ҳазрат Навоийнинг излари бордай.

Бир дунё синоат сенгадир аён,
Минг ёшни кўрган, эй бобо чинорим.
Ул зотга бергандир самовий илҳом,
Булбуллак, Қирққизга келган баҳорим.

Орзулар юрагим боғчаларида,
Қалбимнинг қалбларга сўзлари бордай.
Қишлоқнинг қум-тупроқ кўчаларида,
Ҳазрат Навоийнинг излари бордай.

* * *

Иймон — кўнгил беҳишtlари,
Орзу унинг оққушлари,
Минорларнинг қум-ғишtlари,
Ватандан бир сабоқ бергай.

Сокин турган қабрлар ҳам,
Тоғдай улуғ сабрлар ҳам,
Қизғалдоқзор адирлар ҳам,
Ватандан бир сабоқ бергай.

Дарахтларнинг куртаклари,
Заминнинг кўл-кўлмаклари,
Онамнинг хуш эртаклари,
Ватандан бир сабоқ бергай.


Боламнинг шўх кулгулари,
Ҳатто араз — қайғулари,
Ҳам шабнамий орзулари,
Ватандан бир сабоқ бергай.

Ошкорларим, сирларим ҳам,
Қалбимдаги қирларим ҳам,
Ёзилмаган шеърларим ҳам,
Ватандан бир сабоқ бергай.

Юракка куч дўст-ёрларим,
Билдим ҳатто ағёрларим,
Тилимдаги алёрларим,
Ватандан бир сабоқ бергай.

Бухорийдек сиймоларим,
Навоийдек самоларим,
Ҳиндда қолган Мирзоларим,
Ватандан бир сабоқ бергай.

Куксимдаги осмон суюк,
Дарё-дарё тугён суюк,
Ҳеч тугамас дoston суюк,
Ватандан бир сабоқ бергай.



Устозимга

Бу тун
Бутун юрагимни майдалаб
Бургутларга бераман. Кейин,
Менинг умрим чилпарчин бўлар,
Майсаларни босганим сайин.

Бу тун
Бутун юрагимни майдалаб,
Ишққа қўшиб ичаман. Кейин,
Менинг умрим юксалиб борар,
Майсаларни суйганим сайин,
Майсаларни қучганим сайин...



КЕЧИР МЕНИ СИНГЛИМ

**Кечир мени синглим, кечиргин синглим,
Рости, ярашиқли аканг бўлмадим.
Эвоҳ, Тош шаҳарда тош бўлди кўнглим,
Битта мактуб ёзиб ҳолинг сўрмадим.**

**Кўнглимга не келса, қилгим келар, бас,
Эҳ, телба ўй билан самога учдим.
Пулим кўпайганда сенга рўймолмас,
Қизлар билан кинога тушдим.**

**Билмадим, билмадим, қачон биламан,
Мен қачон келаман, қачон ўзимга.
Қачон сен ўйлаган ака бўламан,
Осмонлар осилиб яшар кўзимга.**

**Кечир мени синглим, кечир, сингилжон,
Бир куни кўнглимни кўнга айтарман.
Қишлоқнинг четида кўзи нигорон,
Онамнинг ёнига, ахир, қайтарман.**

Кечир мени, синглим...



КЎЗИМ НУРИ

Қизим Шаҳинага

Юзим силаб турган митти қўлчалари,
Худойимнинг менга берган гулчалари,
Нималар деб чулдирайди тилчалари,
Кўзим нури, асал қизим, қаймоқ қизим,
Нигоҳлари ой нуридан оппоқ қизим.

Юрагимни чаман этгай кулгулари,
Бирам ёқар аразлари — қайғулари,
Нима ҳақда билгим келар орзулари,
Кўзим нури, асал қизим, қаймоқ қизим,
Нигоҳлари ой нуридан оппоқ қизим.

Алла қизим, аллалардан уйғон дейман,
Кўнгилларни яшнатар бир туғён дейман,
Туйғулардан яралсин бир жаҳон дейман,
Кўзим нури, асал қизим, қаймоқ қизим,
Нигоҳлари ой нуридан оппоқ қизим.

Қалбимизда ажиб-ажиб сирлар бўлгай,
Умидимиз осмон ўпар қирлар бўлгай,
Биз сўйласак сўзларимиз дурлар бўлгай,
Кўзим нури, асал қизим, қаймоқ қизим,
Нигоҳлари ой нуридан оппоқ қизим.



АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИ ХОТИРЛАБ

Ўттиз етти,
Оҳ, менинг жонимни олиб кетдилар,
Ва лекин Иймоним — кўрким тирикдир.
Хур бўлиб дунёга келганман, ахир,
Қаранг, кўнглимдаги эрким тирикдир.

Ўттиз етти,
Оҳ, менинг жонимни олиб кетдилар,
Муҳаббат — юрагим, тугим — осмондир,
Менинг тупроғим ҳам нурдан яралган,
Руҳим осмон маним, руҳим осмондир.

Ўттиз етти,
Оҳ, менинг жонимни олиб кетдилар,
Покиза умидим — унутилган арк.
Ё Рабб, бунча азоб беозор дилга,
Ё Рабб, бунча осон айлаб кетиш тарк.

Ўттиз етти,
Оҳ, менинг жонимни олиб кетдилар,
Кўрдим дунёлари азал шўру талх.
Сени асрай дея ўлмади кўнгил,
Энди кўнгилларни авайлагин халқ.



ЗУЛФИЯ МОМОНИНГ ҚИЗЛАРИ

Қанча яшашини билмайди инсон,
Бир кун осмонларга учиб кетгай жон.
Чархга мерос дилнинг тоза сўзлари —
Зулфия момонинг сулув қизлари.

Муниса япроқлар неъматдир бешак,
Бунда тошларни ҳам тушунмоқ керак.
Гоҳ жаннат, гоҳ дўзах ҳақнинг рўзлари,
Зулфия момонинг сулув қизлари.

Бунда ҳар гул айтар соҳибчиройман,
Баъзан юлдузларга қараб ўйлайман.
Бу кўкнинг чарақлаб турган кўзлари —
Зулфия момонинг сулув қизлари.

Билгин-эй, ёлғоннинг даврони бекор,
Нозик дилларга бир Тўмарис даркор.
Озодлик кўнгилнинг нурли кезлари,
Зулфия момонинг сулув қизлари.

Маҳкам тут, кўлингда қуёшли қалам,
Қуёшли қаламдан қуёшли олам.
Ўчмасин Зулфия момо излари,
Зулфия момонинг сулув қизлари.



ЭЙ СЎЗ

Борлик ҳам, йўқлик ҳам сўздан бошланар,
Умримиз йўллари рўздан бошланар,
Меҳру муҳаббатми, кўздан бошланар,
Сен менинг жонимсан, руҳимсан эй сўз.

Эй дунё, чашмимда дурлар тошқини,
Қалбимда покиза нурлар тошқини,
Дилда ком аталмиш хурлар тошқини,
Сен менинг жонимсан, руҳимсан эй сўз.

Саодат калити ҳидоят, билсанг,
Гул манзилга бошлар ривоят, билсанг,
Юраклар ёнмоқда ниҳоят, билсанг,
Сен менинг жонимсан, руҳимсан эй сўз.

Эй ҳаёт, баҳор ҳам, куз ҳам азиздир,
Эй умр, шаккар ҳам, туз ҳам азиздир,
Англасанг, бисёрлик, оз ҳам азиздир,
Сен менинг жонимсан, руҳимсан эй сўз.

Борлик ҳам, йўқлик ҳам сўздан бошланар,
Умримиз йўллари рўздан бошланар,
Меҳру муҳаббатми, кўздан бошланар,
Сен менинг жонимсан, руҳимсан эй сўз.

БАХШИЁНА

Қаҳҳор бахшини тинглаб

Ўзбек деган элим-а,
Гуллар сочар йўлим-а,
Куйламасам бўлмайди,
Кўшиқ тўла дилим-а.

Юзи нурли боболар,
Юзи нурли момолар,
Элу юртим тинч бўлсин,
Қалбларга эш дуолар.

Ҳар ўғлони полвон-эй,
Кўксим бўлар осмон-эй,
Ерга тегмас кураги,
Азал марду майдон-эй.

Кундан гўзал қизлари,
Ойдан оппоқ юзлари,
Оташмикан билмайман,
Дилни ёқар сўзлари.

Иззат қилар меҳмонин,
Миннат этмас эҳсонин,
Юрт сарвари ҳамиша
Кўтарар эл-юрт шонин.

Тугамасин тўйлари,
Кўшиқлари, куйлари.
Аждодларга муносиб,
Бўлсин доим бўйлари.



ОРЗУ

Сиз етмаган имконларга етгайман мен,
Сиз битмаган дostonларни битгайман мен,
Қанча доvon бўлса ошиб ўтгайман мен,
Ватан, сенинг ғамларингни сўлдираман,
Ватан, сенинг камларингни тўлдираман.


Қадамларим етган тоғлар тупроқ бўлар,
Тупроқларни илгагувчи япроқ бўлар,
Йўқларимдан бисотларим кўпроқ бўлар,
Ватан, сенинг ғамларингни сўлдираман,
Ватан, сенинг камларингни тўлдираман.

Ётар бўлсам юлдузларга бош қўяман,
Юрагимнинг нурларидан ош қўяман,
Қайғу келар йўлларингга тош қўяман,
Ватан, сенинг ғамларингни сўлдираман,
Ватан, сенинг камларингни тўлдираман.

Боболарим каби эл дер, эр бўламан,
Мен Навоий кўнглидаги шеър бўламан,
Файратим-ла шеър ичинда шер бўламан,
Ватан, сенинг ғамларингни сўлдираман,
Ватан, сенинг камларингни тўлдираман.

Сендан нени
лширай дунё





ГУЛИ РУҲ

Ҳали сенга айтолмаган сўзим гўзал,
Шу жонимга тиланмаган тўзим гўзал,
Ўзинг ичра яшаётган ўзим гўзал,
Гули руҳ.

Гули, деган сўзим борки туғ бўлади,
Ёлғонларим дилга санчиқ—тиғ бўлади,
Ёнишларим олдида кун чўғ бўлади,
Гули руҳ.

Ҳар саҳарда сано айтдим, азон айтдим,
Сарғайганча кузакларга хазон айтдим,
Гоҳ азобда, гоҳида-чи осон айтдим,
Гули руҳ.

На ўзимга, на гулларга ишқим қолди,
Осмонларда гилдан бунёд кўшким қолди,
Эл бўларим, сендан бўлак, айт, ким қолди,
Гули руҳ.



ТОПОЛМАЙМАН

Изим тўла гулзор, мана, ўпсам бўлар,
Қаён боқсам, дунё бисёр топсам бўлар,
Сиздан бўлак қай кўнгилга чопсам бўлар,
Сиздай кўнгли пок рангларни тополмайман.

Гулчаларнинг кўнғироғи жаранглади,
Кўрди мени, яна қайга аланглади,
Тугармиди дунёнинг бу найранглари,
Сиздай кўнгли пок рангларни тополмайман.

Тоғни кўрмай чўққиларга чиққан борми,
Кураш тушмай, рақибини йиққан борми,
Оламида доим куни туққан борми,
Сиздай кўнгли пок рангларни тополмайман.

Маним ҳолим аён, билсанг, ўзимга, дўст,
Қоқиламан, қанча боқмай кўзимга, дўст,
Аммо шукрим беадоқ ҳар рўзимга, дўст,
Сиздай кўнгли пок рангларни тополмайман.

Изим тўла гулзор, мана, ўпсам бўлар,
Қаён боқсам, дунё бисёр топсам бўлар,
Сиздан бўлак қай кўнгилга чопсам бўлар,
Сиздай кўнгли пок рангларни тополмайман.



* * *

Хўжа Илм Кон. Ойдан гўзаллар,
Ўпсам бўлмасмиди изчаларини.
Кўнглим, нимасига мафтун бўлдинг-ей,
Тошканднинг тошбағир қизчаларининг!
Негадир юрагим увишиб кетар,
Кимгадир нимадир келади айтгим.
Шаҳарни тўлдириб юради бир қиз,
Менингдек ошиқмас шу қизга ҳеч ким.
Мана қайтаяпти. Бевафо йигит,
Энтикиб қўяди қадим маконлар.
Сен аччиқ йиғлайсан,
Ўшанда —
Хувиллаб қолади Тошканд томонлар.



ЮРАККА

Шерман деб керилган шер бўлмайди ҳеч,
Ори ўлмаганлар ер бўлмайди ҳеч,
Дард келса йиғлаган эр бўлмайди ҳеч,
Ёшларим кўнглимда денгиз бўлади.

Умиду ўйларнинг аксарига айт,
Борингни қалбларга – ичкарига айт,
Менга келар алам лашкарига айт,
Оҳларим олдида жангсиз бўлади.

Ернинг қотган тили – санглар, сўйлайми,
Эй ҳоли забуну танглар, сўйлайми,
Дунёни тўлдирган ранглар, сўйлайми,
Руҳим кенглигида рангсиз бўлади.

Сени тилақларга элтаман, юрак,
Сени фалақларга элтаман, юрак,
Сени юракларга элтаман, юрак,
Меҳримиз, ишқимиз сўнгсиз бўлади.



КЕТСАНГ

Кетсанг,
Орқангга ҳам қарамай кетгин,
Ахир, арзимади боқмоғингга ҳам.
Сенинг куйларингда куйган умрлар,
Ахир, арзимади тирноғингга ҳам.

Кетсанг,
Орқангга ҳам қарамай кетгин,
Чида, оғир бўлса ҳам, жоним.
Ҳеч кимсадан сўрамай кетгин,
Сўраш зарур бўлса ҳам, жоним.

Кетсанг,
Орқангга ҳам қарамай кетгин,
Дилимда тоғлардан оғир ғам юки.
Қадрлар борлиги ёлғон дунё бу,
Чоп, гўзал дунёни топгунча токи...



Қуёш етоғидан аста термулиб,
Мен кезган қирларга томон қарайди.
Дарахтлар шивирлаб, чулдираб қушлар,
Тупроқли йўллардан мени сўрайди.

Менингсиз мунгайиб қадим минорлар,
Толларнинг сочини сойлар тарайди.
Ўғлим Тош шаҳардан келдимикан деб,
Онам тиқ этганда эшик қарайди.

Менсиз кўниколмай майин саболар,
Гулларнинг бағрига сингиб кетибди.
Катта ўзгариш бор Хўжа Илм Конда,
Ўша қи-из эрга тегиб кетибди.



ШАВКАТ АКАНИНГ МУНГЛИ ҚЎШИҒИ

Турналар дардларин тўкиб кетдилар,
Тоғларга суяндим чўкиб кетдилар,
Ўзи йўқ қадримни букиб кетдилар,
Онажон, онажон, қайдасиз энди?!

Қуёшнинг тафтими, қабрингиз иссиқ,
Мен англаб етмаган қадрингиз иссиқ,
Энди кимга айтай, сабрингиз иссиқ,
Онажон, онажон, қайдасиз энди?!

Энг ширин хаёллар, ўйлар татимас,
Дунёни тўлдирган қуйлар татимас,
Сизсиз байрамлару, тўйлар татимас.
Онажон, онажон, қайдасиз энди?!

Сизсиз уйимизга ёр-ёрлар келди,
Боғларни гуллатиб баҳорлар келди,
Дунёдан дилимга озорлар келди,
Онажон, онажон, қайдасиз энди?!

Кучарсиз эркалаб тушимга келиб,
Мен йиғлаб қоларман ҳушимга келиб,
Дардларим ёрдим дил қушимга келиб,
Онажон, онажон, қайдасиз энди?!



Нечун қизғонайин, кўзим ҳам сизга,
Энг дилбар каломим, сўзим ҳам сизга.
Мен ўздан кечганман, ўзим ҳам сизга,
Шу телба дилимни ҳолига қўйинг.

Ёндим, ёнверларим ёниб кетдилар,
Мендан дўсту ғаним тониб кетдилар.
Ўйларим кузларга эниб кетдилар,
Шу телба дилимни ҳолига қўйинг.

Ёшлармас, кўзида тошлари кўплар,
Чимрилган қайрилма қошлари кўплар.
Бўйнимда аждардек сочлари кўплар,
Шу телба дилимни ҳолига қўйинг.

Маржонлар кўзимдан сочилган эртак,
Мункайган бахтларга армоним тиргак.
Ҳали ўн саккизга кирмаган гўдак—
Шу телба дилимни ҳолига қўйинг.



Кўзларидан бошланган дунё,
Кўзларида охир санамнинг.
Юрагимни этибти маъво,
Тўкилмаган оҳори ғамнинг.

Шафқатлигинг ёлғондир дунё,
Нигоҳларга нигоҳлар зорми.
Қўлларимни суйганлар қанча,
Шул жонимга жабборлар борми?



ЮРАГИМ

Тилина, тилина, тилина,
Қонади менинг юрагим.
Соллона, соллона, соллона,
Ёнади менинг юрагим.

Сиқила, сиқила, сиқила,
Эзилди эзгинди юрагим.
Интила, интила, интила,
Қайларга сиғинди юрагим.

Ойдайин, ойдайин, ойдайин,
Боқадим сенга оҳ, юрагим.
Сойдайин, сойдайин, сойдайин,
Оқадим сенга оҳ, юрагим.

Севгим-а, севгим-а, севгим-а,
Кўксимда туғ энди юрагим.
Ўксима, ўксима, ўксима,
Юрагим, йўқ энди юрагим.

Тилина, тилина, тилина,
Қонади менинг юрагим.
Соллона, соллона, соллона,
Ёнади менинг юрагим.



Кулгулар сиғмади юракка, ё Рабб,
Қайғулар сиғмади юракка, ё Рабб,
Армонлар сиғмади юракка, ё Рабб,
Осмонлар сиғмади юракка, ё Рабб,
Бўронлар сиғмади юракка, ё Рабб,
Суронлар сиғмади юракка, ё Рабб,
Тангрим, бу қисматнинг исми нимадир,
Юрак ҳам сиғмади юракка, ё Рабб.



СОЧЛАРИНГА БОЙЛОНАМАН

Кўзларимга ошиқларнинг оҳи томган,
Куёш менинг юрагимга келиб ёнган,
Ташна дилим қачон ўзи ишқдан қонган,
Фақат сенинг кўзларингдан айлонаман,
Дилдор, қаро сочларинга бойлонаман.

Кўнглим чорлаб турар, дилда ишончим кўп,
Кўзим порлаб турар, дилда ишончим кўп,
Севгим яшнаб турар, дилда ишончим кўп,
Фақат сенинг кўзларингдан айлонаман,
Дилдор, қаро сочларинга бойлонаман.

Бўйларидан ўргилайин ялпизларнинг,
Рассом борми, чиза олган бул ҳисларни,
Кўнгул қурғур соғинади денгизларни,
Фақат сенинг кўзларингдан айлонаман,
Дилдор, қаро сочларинга бойлонаман.

Дил юртига одимлайди шахдим маним,
Армон бўлар кўшким маним, тахтим маним,
Хумо куши олиб келар бахтим маним,
Фақат сенинг кўзларингдан айлонаман,
Дилдор, қаро сочларинга бойлонаман.



★ ★ ★

Сенда юрак нима иш қилсин,
Сенда шафқат? Ҳеч ишонмайман.
Қирғин келсин менинг кўнглимга,
Севиб қолдим, асло тонмайман.

Гапирмайсан, гапиролмайман,
Йўқотдимми бурро тилимни.
Борлигингни билган кунимдан,
Менсимайлар қўйдим ўлимни.



БУ ОДАМ...

Бу одам шундай келган дунёга,
Ё шундай кетмоқни ихтиёр этган.
Байрамларнинг ҳам дахли йўқ унга
Ёки байрамлари тугаблар кетган.

Телбамас гоҳи туғилган куни
Эсидан чиқиблар кетади унинг.
Синчков боқадди одамларга ҳам,
Назари тушмайди бироқ ҳеч кимнинг.

Улкан дарди бор, тоғ кўтаролмас,
Қалбида ҳайқирар ҳайрати унинг.
Куйган дилида ёнади лов-лов,
Севгига айланган ҳурмати унинг.

Кўнгил боғидан кўнгил қушлари,
Кетдими,
Қайтмайди.
Алвидо айтган.
Бу одам шундай келган дунёга,
Ва шундай кетмоқни ихтиёр этган.

СЕВГИ

(Туржумдан)

* * *

Қалбимда қуёшми нураб, шом оқар,
Бу йўлда қанчалаб шараф-шон оқар,
Нигоҳи қалбимдан — зарафшон оқар,
Сен менинг гулимсан, битта меники.

Гоҳ обод, гоҳида вайронлар оқар,
Бечора ҳолимга ҳайронлар оқар,
Кўзлари оҳулар, жайронлар оқар,
Сен менинг гулимсан, битта меники.

Дилимдан тўкилмас оҳорлар оқар,
Сутга чайилгандек наҳорлар оқар,
Бинафшазор қирда баҳорлар оқар,
Сен менинг гулимсан, фақат меники.

* * *

Хушларимдан учди ҳушимдагилар,
Кўзимдан балқийди ичимдагилар,
Ўнгимга келсайди тушимдагилар,
Бир гўзал дунёлар бўларди дунё.

Сулаймон кўрмаган тахтлар бўлсайди,
Беғараз, бетимсол бахтлар бўлсайди,
Шу тахту бахтга мос шахдлар бўлсайди,
Бир гўзал дунёлар бўларди дунё.

Кўшкимда абадий ҳур сафар этсанг,
Шабнамдан бокира хуш хабар этсанг,
Ҳаммадан бахтиёр, музаффар этсанг,
Бир гўзал дунёлар бўларди дунё.



Ол дунё билмайман, олингми сулув,
Оларга қолган ё ҳолингми сулув,
Йўғингми сулуви, борингми сулув.
Ёки минг наъмаю корингми сулув?

Билмайман, бодомми, жийда гуллаган,
Билмайман, не учун, қайда гуллаган,
Ердами гуллаган, ойда гуллаган,
Булардан топар не фойда гуллаган.

Ёки шунчалар ҳам қароми тақдир,
Азалдан юрагим яроми, тақдир,
Дунё деганлари баломи, тақдир,
Ёлғони дилига ороми, тақдир.

Олам рўёлардан совиб қоласан,
Шубҳа-гумонларинг қувиб қоласан,
Иймон-ла дилингни ювиб қоласан,
Мен сени...
Сен мени севиб қоласан.



Сиз мен каби йиғламагансиз,
Ғам нимадир, билмайсиз мендай.
Яшаш нима? Яшаяпман мен,
Пичоғидан айрилган қиндай.

Сиз мен каби йўқламагансиз,
О, йўқотган дамларни, ҳўнграб.
Мен кимларнинг тутдим этагин,
Мен қасққа кетяпман, ё Рабб?!

Сиз мен каби тигламагансиз
Юрагини шафқатсизларча.
Қулаяпти минг йиллик чинор,
Сарғармоқда ям-яшил арча.

Сиз мен каби чўғламагансиз,
Юрагимо лахча-лахча чўғ.
Яшолмайсиз сиз менга ўхшаб,
Сиз мен каби ўлганингиз йўқ.



БАХТИЁРЛИК

**Сирлашгим келади ялпизлар билан,
Кучгим келаётир қизғалдоқларни.
Биз бунёд этамиз бир кўшки азим,
Биз бунёд этамиз гўзал боғларни.**

**Жаннатий ифорлар сочади гуллар,
Бўйларга тўлади юрак — гулхона.
Биз шундай яшаймиз ўзимиз билан,
Биз шундай яшаймиз гўзал мастона.**



СЕНИНГ ИСМИНГНИ...

Жонидан тўйдириб зулматни буткул,
Бутунлай қошинга қайтгим келади.
Қиру адирларга қон селган, эй гул,
Бир сенинг исмингни айтгим келади.

Жудолик даштида юрдим тентираб,
Маним зорлигимни ким ҳам билади.
Кулиб, ҳеч бўлмаса, Мажнундай йиглаб,
Бир сенинг исмингни айтгим келади.

Истаса, беадад саодат берган,
Истаса, қаҳри-ла дилни тилади.
Эй, осмон, кўзимнинг дурларин терган,
Бир сенинг исмингни айтгим келади.

Қачон бу оламга равшанлик насиб,
Десамки, тумонат сирга белади.
Дунёни, ўзимни тамом унутиб,
Бир сенинг исмингни айтгим келади.

Менми, гуноҳига чўккан дарбадар,
Бир кун гуноҳига чўкиб ўлади.
Барибир милён йил, мангулик қадар,
Бир сенинг исмингни айтгим келади.



СЕВДИМ

Севдим,
Гуллаб кетди кўзимда соғинч,
Севдим,
О, кўксимдан каптарлар учди,
Севдим,
Кипригимда юлдузлар — севинч,
Севдим,
Гул кенгликлар кўзимга кўчди.

Севдим,
Мен кунларни танидим ногоҳ,
Севдим,
Мен ўзимни йўқотдим бахтим.
Севдим,
Гул руҳимдан юрагим огоҳ,
Севдим,
Ишқ хокига айланди сахтим.

Севдим,
Ҳижронлари тун сочди — Лайли,
Севдим,
Фарёд қилди юрагим — Мажнун.
Севдим,
Қувончлардан ғамлар чиройли,
Севдим,
Кимлигимни айтиб бер очун.



МУЛОҚОТ

Сендан нени яширай, дунё,
Кимлар жасур, ботир бўлади.
Тўлқинлари қалбим дарёсин,
Нигоҳимда содир бўлади.

Харсангларинг эрийди қордай,
Ёшим – маржон, нодир бўлади.
Қодир эгам ҳолим забундир,
Сен бор дилим қодир бўлади.

Оппоқ гуллар бошимда маним,
Қара, оппоқ адир бўлади.
Холис-холис орзуларим мўл,
Бир кун гўзал надир бўлади.

Кунлар кунга айланар унда,
Зангор-зангор хотир бўлади.
Илдизларим дунё бошидан,
Гул сочар, гул отур бўлади.

Сендан нени яширай, дунё...



**Кўнглим, сенга нима берди ўйлаганинг,
Кимга керак ёниб-ёниб сўйлаганинг.
Тош шаҳарда яшаяпти бир қишлоқи,
Тугмалари қадалмаган кўйлагининг.**

**Камолимдир, ройдор дилни тиймаганим,
Куймоқ нима, қайдан билсин куймаганим.
Мен сиз учун жон бераман, севмайсиз-ку,
Менинг учун жон беради суймаганим.**



АЖИБ ҲОЛАТ

Майсалар шивирлар шудринг ёпиниб,
Қуёш шабнамлардан бўйлай бошлайди.
Шу тобда дунёни сурганча четга,
Бир гўзал кимнидир ўйлай бошлайди.

Бул санам бир дунё асрорнинг ўзи,
Ниятлари нима, ўйи қаёқда?
Сездим, унинг дарди дардга юкланса,
Туролмай қоларди ҳатто оёқда.

Бу қандай тақдирки, тахир шунчалик,
Сиралар кўнглимни тия олмайман.
Ёмон алам қилар, алам қилади,
Шу қизга бир сўз ҳам дея олмайман.

ИЛТИЖО

Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил, парвардигор.

Хожа Аҳмад Яссавий

Боримсан-ку, дунё менга борлиқмидир,
Ёки умрим зулматларга тортиқмидир.
Ёзуқларим дил қатли-чун ёрлиқмидир,
Ошиқ қилгин, Худойима, ошиқ қилгин,
Бу барҳаёт кўнгулларда кўшиқ қилгин.

Дулдулларим юлдуз сочар тўғидан,
Қутулмадим ҳамон дуннинг сиёҳидан,
Менинг умрим ялпизларнинг япроғида,
Ошиқ қилгин, Худойима, ошиқ қилгин,
Бу барҳаёт кўнгулларда кўшиқ қилгин.

Алвон-алвон гуллар оқар дилдарага,
Ёлвораман дилим бўл, деб дилдорага.
Қачон раҳминг келади-ей бечорага?
Ошиқ қилгин, Худойима, ошиқ қилгин,
Бу барҳаёт кўнгулларда кўшиқ қилгин.

Нима келса, сендан келсин, қаҳринг гулим,
Нима тутсанг неъмат, ҳатто заҳринг, гулим.
Кўкайимнинг кўзларида наҳринг, гулим,
Ошиқ қилгин, Худойима, ошиқ қилгин,
Бу барҳаёт кўнгулларда кўшиқ қилгин.

Нигоҳимда милтиллаган ҳайратим — жон
Изиллаган изғиринлар ё имтиҳон.
Аслим ўзинг, фаслим ўзинг, васлинг қачон?
Ошиқ қилгин, Худойима, ошиқ қилгин,
Бу барҳаёт кўнгулларда кўшиқ қилгин.



БИЛСАНГ

Кўнгил айтмасига кўнмайди, билсанг,
Гул шохи шунчаки синмайди, билсанг,
Одам ҳам ўзича унмайди, билсанг,
Тоғлар ортида ҳам тоғлар бўлади.

Гўзаллик муҳаббат овонида, дил,
Гоҳида санамлар товонида, дил,
Асрорли ҳаётнинг довонида, дил,
Йиғлаб эслайдиган чоғлар бўлади.

Шабнамлар юзида нурлар ўйнаган,
Саболар куйида қирлар ўйнаган,
Қай ошиқ қалбида сирлар ўйнаган,
Диллари бир гўзал боғлар бўлади.

Кўнгилжон, зиёга тўйинмоқни бил,
Ўтар кетар дамлар куйинмоқни бил,
Шукроналар айтиб суйинмоқни бил,
Оҳларинг юракда доғлар бўлади.



СЎРОҚ

Боқдимки, дилсизлар судга сиғинмиш,
Ўткинчи ўй – санам, бутга сиғинмиш,
Соялар даштида худга сиғинмиш,
Шул ҳам марҳаматми, ажрми, эй дўст?

Йўл кўрсат, ўзимга сафарлар қилай,
Ва шул сафарларда зафарлар қилай,
Ҳақингда ҳақингдай лапарлар қилай,
Занжирбанд дилларни ечурми, эй дўст?

Пайкаро, пойингда ботиним ботил,
Ўзим жаллоддирман, ўзимга қотил,
Сен нур бунёдкори, сен нурдан ҳосил,
Гуллар гулликдан сўз очурми, эй дўст?

Баски, ғанимни ҳам ҳабибим дедим,
Мени ҳам дил айла,
Мен ҳам дил эдим.
Бу йўллар ибтидо,
Бу йўллар қадим,
Кўнгиллар кўнгилга ачирми, эй дўст?



Гардимизга келмас дунё армонлари,
Ўзимизча биз мисли йўқ ботир, тура.
Уруш-яраш ёшликнинг хуш давронлари,
Бирга мактаб борар эдик, Зокир жўра.

Бу тупроқнинг бўйи гулдан тароватли,
Қайнаб турган булоқлардан бахтни сўра.
Ўшал дамлар бирам тогли, ҳароратли,
Бирга мактаб борар эдик, Зокир жўра.

Қандай эди ўшанда дил нолалари,
Эй, соғинчлар кўнгилларни гулга ўра.
Битта қизни севар бирсинф болалари,
Бирга мактаб борар эдик, Зокир жўра.

Шеър ўқирдик ҳайратларга тўлиб-тошиб,
Абдулла Ориф китоби қандай зўр-а.
Бизлар худди қуёшдан ҳам нурлар эшиб,
Бирга мактаб борар эдик, Зокир жўра.

Гоҳо дарсдан қочар эдик тўпланишиб,
Йўлимизни адирларга бура-бура.
Аммо ҳаёт дарсларидан бўлмас қочиб,
Бирга мактаб борар эдик, Зокир жўра.

Қара, ҳаёт мактабида ўзгача ҳол,
Алоҳида толибдирмиз шунга кўра.
Бугун яна бирга мактаб боргимиз бор,
Бирга мактаб боролмаймиз, Зокир жўра.



РАЙҲОНГИНАМ

Жоним ҳам ўзингда, жононим менинг,
Райҳонгинам менинг, райҳоним менинг.
Бу оламда ёлғиз армоним менинг,
Райҳонгинам менинг, райҳоним менинг.

Елни тулпор қилиб миниб чопарман,
Борми сенга етар бир оним менинг.
Ахир, сени қайдан излаб топарман,
Райҳонгинам менинг, райҳоним менинг.

Ҳижроннинг тошида дилим туяман,
Юлдузлар сочилган афғоним менинг.
Ҳажрингда офтобдан ортиқ куяман,
Райҳонгинам менинг, райҳоним менинг.

Тийра оқшомлари саргашта хаёл,
Оғриблар кетади вой, жоним менинг.
Бир томчи меҳрингни гадосиман ёр,
Райҳонгинам менинг, райҳоним менинг.

Ёзуқларим недир ўзи азобим,
Дард бердинг, бормикан дармоним менинг.
Жоним, соғинганим, орзу — моҳтобим,
Райҳонгинам менинг, райҳоним менинг.



КАВСАРИМ

Кечаман,
Энди бор-йўғимдан,
Ўйингни бошлайман ўйимга.
Гуноҳим қоплади осмонни,
Савобим етмайди бўйимга.

Кечаман,
Энди бу дарёни,
Ёрилтош бошимни ёргунча.
Балиқлар егунча қўнглимни,
Ишқ макон соҳилга боргунча.

Кечаман,
Кечага чўмилдим,
Ўзимдан, ўзингдан кечаман.
Шу телба қўнгилчам — кавсарим,
Ичаман,
Тўйгунча ичаман.



* * *

Бу оламга Одам келди аввалида,
Қобирғамдан яратилган Ҳаволарим.
Менга дардқаш, дилқаш бўлди, илоҳим-а,
Яралгандан айта олган видоларим.

Бу оламда уч кунгина кун кўрарми,
Ҳаловатга йўғрилса дил наволари.
Шундай севай, шундай куйлай, титраб кетсин,
Яратганнинг ўн саккиз минг дунёлари.



ҲАЁТИМ

Манам битта мусофир,
Сафарга келдим, эй дил.
Енгмоқ учун дунёни
Зафарга келдим, эй дил.

Ҳар қадамда минг тузоқ,
Қондир юрак, кўнгил доғ,
Ўйлаб қарасам бундоқ,
Хатарга келдим, эй дил.

Ҳар бир нафасим эҳсон,
Англа юрак, англа жон.
Қалбимни борки имкон,
Айтарга келдим, эй дил.

Жонни жонга тутай деб,
Тоқатдан кўп кутай деб,
Не ғам келса ютай деб,
Кадарга келдим, эй дил.

Рухимни нурга қориб,
Юрсам зулматни ёриб,
Боримни сенга бориб,
Тутарга келдим, эй дил.



ШУКРОНА

Кимдир тошларини отди ҳовучлаб,
Кимдир ёмон боқди, жилмайиб базўр.
Сен келдинг, сен келдинг, атиргул тишлаб,
Сен борсан,
 мен борман,
 Худога шукр.

Кимдир адирларни тортиқ айлади,
Қувнагин, ўйнагин, энтикиб югур.
Ким-у дарёларга сандиқ тайлади,
Сен ёрсан,
 мен ёрман,
 Худога шукр.

Кимдир учиб кетди самога томон,
Кимдир кимлигини унутди охир.
Қайда меҳварини йўқотди замон,
Сен зорсан,
 мен зорман,
 Худога шукр.

Кўнгилнинг чинори – муқаддас иймон,
Қара, кўзларимдан тошмоқда чоғир.
Санам хаёлларинг яшашга имкон,
Сен нурсан,
 мен нурман,
 Худога шукр.



Менми, ўз қадрини тупроққа отган,
Сенми, шу тупроқни сочган бошидан.
Менми, қай дардларда қоврилиб ётган,
Сенми, мен деб ёнган, қалам қошидан.

Менми, ўз қалбини билмаган гумроҳ,
Сенми, ўз кўнглини кўнглимдан кўрган.
Менми, истиқболи энг катта сўроқ,
Сенми, гуноҳимни Тангридан сўрган.

Менми, зулматларда сарсон, саргардон,
Сенми, нурлар сепган ойдек ёришиб.
Сенми, баҳорларни айлаган эҳсон,
Менми, хазонларда қолган қоришиб.

Менми, дарёларда хасга ёпишган,
Сенми, улкан кема — ягона илинж.
Менми, ҳижрон ғами билан топишган,
Сенми, қисматимда мунаввар соғинч.

Менми, кўзин тиккан қутлуғ имдодга,
Сенми, қизғонмаган сўлим баётни.
Менми, кўникмаган қайсар ҳаётга,
Сенми, мўъжизага кўмган ҳаётни.

Менми, ўз қадрини тупроққа отган,
Сенми, шу тупроқни сочган бошидан.
Менми, қай дардларда қоврилиб ётган,
Сенми, мен деб ёнган, қалам қошидан...



Дўстим изламагин энди Файратни,
Изгима Тошкентнинг кўчаларида.
Файрат тамом бўлди,
Файрат йўқ энди,
Кўнглим қишлоғимнинг қизчаларида.

Сўкилиб кетдим-а, чок-чокларимдан,
Сағиргина дилда, сағиргина кун.
Ғариб кунимни ҳам бермадинг менга,
Севгилим. Бу ўзинг ҳади этган тун.

Соғиниб яшашнинг ўзи буюк бахт,
Куллуқ, сиздан қолган чўнг доғларимга.
Ўзганинг боғида унмадим, шукур.
Мен яшайвераман ўз боғларимда.



* * *

Бу дунёда бир ўзим ёлғиз,
Битта кўнглим девона, сағир.
Сўрайман, сен йиғлайсан, нега?
— Ёмғир ёғаяпти, ёмғир.
— Ҳамма нарса енгил дунёда,
Ҳамма нарса оғирдан оғир.
Кўнглим, сенга нима бўлдийкин?
— Ёмғир ёғаяпти, ёмғир.
— О, кўнглимнинг ҳур насимлари,
Бойчечақлар маскани бағир.
Ростини айт, айланай сендан?
— Ёмғир ёғаяпти, ёмғир.
— Сенми, сенми, сенми, голибсан.
Мен ишондим, алладинг охир.
Йиғламайсан, йиғлаганинг йўқ...
— Ёмғир ёғаяпти, ёмғир.



М.за

Дунё — бозор. Уравермайман,
Ҳар бозорга бозорларимни.
Ҳақ бир куни қайтарар бир-бир,
Сенга берган озорларимни.
Сал кўрмасам ичикиб кетгум,
Кўнглим билар тусарларимни,
Лолалардан билмаяпсанми,
Қирларга қон қусарларимни.
Аямасанг меҳрингни мендан,
Осмонлардан ўзиб бораман.
Юлдузлар бахт бўлса мабодо
Бахтсизларга узиб бераман.
Ўлдиришди, шунчалар. Қолдим
Тополмасдан мазорларимни,
Кўзларимга жойлаб қўйганман.
Кўнгил деган гузарларимни.
Дунё—бозор. Уравермайман,
Ҳар бозорга бозорларимни.
Ҳақ бермаса тилаб оламан,
Сенга берган озорларимни.



* * *

Шалолалар ўйнаб оқар тоғлардан,
Гул-лолалар ўйнаб оқар тоғлардан,
Сизга айтсам дилни ўртар чоғлардан,
Парво қилманг ғамларимга, ўйимга,
Яйраб ўйнанг қўшиғимга, куйимга.

Гоҳо дилни ғанимларим шоналар,
Тоқат билан тўлмишдир дил — хоналар,
Тугамаса кўнглимдаги ноалалар,
Парво қилманг ғамларимга, ўйимга,
Яйраб ўйнанг қўшиғимга, куйимга.

Қайда бўлмай ердаманму ойдаман,
Кўнглим ичра андуҳларга бой-даман,
Билганим шу ишқ бирла бир жойдаман,
Парво қилманг ғамларимга, ўйимга,
Яйраб ўйнанг қўшиғимга, куйимга.



ЯПРОҚ

**Ҳеч ким эшитмайди сенинг сасингни,
Ахир, том битган-ку, қулоқларига,
Кўклардан юқори сен тушган жойинг,
Ҳавас-ла боқмагин овлоқларига.**

**Ҳеч ким эшитмайди сенинг сасингни,
Ахир, қудрат керак тингламоқ учун.
Дунёнинг дунёга учган меҳри ҳам,
Битта шивиринга арзимас очун.**



ҲАЁТГА

Ибтидоми, тумонот асрор,
Билармидим охирларимни.
Ҳаёт, фақат уйғотиб юбор,
Ухлаб ётган томирларимни.

Мингта қисмат ичимда, алҳол,
Танлаш менга эмасдир, қасам.
Ҳаёт, фақат тўғри йўлга сол,
Бу йўлларда адашиб кетсам.

Миттигина курраи замин,
Кичкинадир ҳатто коинот.
Ҳаёт, фақат баҳорни тушун,
Ва гулларни асрагин, ҳаёт.

Керак эмас ҳасад, адоват,
Қуриб кетсин хиёнат зотинг.
Ҳаёт, фақат исминг муҳаббат,
Бўлсин доим садоқат отинг.



СЕНИ ЭСЛАДИМ

Мана, орзулари осмоннинг оппоқ
Қорлар ёғаётир нурдайин сим-сим.
Нур тутай деб кафтим очдиму шундоқ,
Мен сени эсладим, сени эсладим.

Олам чирой очди маликалардай,
Жилғалар сасига қулоқ тутдим жим.
Ҳофиз кушчаларнинг куйларин тинглай,
Мен сени эсладим, сени эсладим.

Гўё ҳансирайди адирлар, тоғлар,
Қуёш сочмоқдаму саратон бетин.
Чексиз хаёлларга чўмиб шу чоғлар,
Мен сени эсладим, сени эсладим.

Саргайган хазонлар, дил тўла ҳавас,
Дийдор ҳикматини англаган олим.
Сенсиз яшамоқлик қўлимдан келмас,
Мен сени эсладим, сени эсладим.

Мен сени эсладим, сени эсладим...



* * *

Кетаётган сенмидинг, ўша
Шамолларда ҳилпираб сочи.
Кетаётган сенмидинг ростдан,
Кўзларида музлаган ёши.
Кетаётган сенмидинг, Раббий,
Алқабми ё кимнидир қарғаб.
Кетаётган сенмидинг, ҳайҳот,
Юрагини олган ҳовучлаб.
Кетаётган сенмидинг, ахир,
Қололмадим ҳеч нени англаб.
Кетаётган сенмидинг, билсанг,
Осмон, нега очмаяпсан лаб.
Кетаётган сенмидинг, мени
Ташлаб кетди шундай ҳам ҳамма.
Кетаётган сенмидинг, наҳот,
Ўтинаман битта сен кетма.



МАЛОҲАТ ОПАНИНГ ШЕЪРИ

Кўнглимда армонларим,
Дўст бўлди, аҳил бўлди.
Қизғанчиқ экан дунё,
Бир бахтга бахил бўлди.

Қай куни... Айтолмайман,
Кувончим охир бўлди.
Зағчалар шу бечора
Қалбимни чўқир бўлди.

Дилимда кечди неки,
Кўзимда зоҳир бўлди.
Юрагим қон йиғлайди,
Не қисмат, тахир бўлди.

Чарх билмас йўллар кутиб
Оғриган кўзларимни,
Мен бахтсиз бўлдим, етар —
Бахтли эт қизларимни.

Кўнглимда армонларим...



МЕН СЕНИ ЎЗИМДАН СЎРАЙМАН

Баёт — бу юрагим тиклаган қаср,
Ҳаёт — юрагимга элтадиган йўл.
Туғаб боради йил, тугайди аср,
Мен сени ўзимдан сўрайман, эй гул.

Қанотли отлардай учади булут,
Эй, оппоқ туйғулар кўнглимда туғил.
Дунё нозларини айлаб-да унут,
Мен сени ўзимдан сўрайман, эй гул.

Қароғда гуркираб борар муҳаббат,
Англагин зикрга тушмишдир буткул.
Айланай, қалбимга инмоқда қувват,
Мен сени ўзимдан сўрайман, эй гул.

Жасур умидларнинг бағрида бир кун,
Тўлиб боради дил, тўлади кўнгул.
Тобора ечилиб боради тугун,
Мен сени ўзимдан сўрайман, эй гул.

Сен кимдан сўрайсан мени билмайман,
Сен ҳам сўрайсанми, энтикади дил.
Эй, гул мен ўзимдан сени сўрайман.
Мен сени ўзимдан сўрайман, эй гул.



Тошиблар кетяпти сабр косаси,
Кўза кунидамас, синди, оҳ, кунда.
Ахир, бунинг учун айбинг йўқ сенинг,
Ахир, айбим йўқдир менинг ҳам бунда.

Ғам ҳиди анқийди бутун борлиқдан,
Кимдир қарғаяпти, алқаяпти ким.
Қарғаган каслар-чун ўлишим керак,
Алқаганлар учун керак яшашим.

Мен ўзни англадим кетдим уйғониб,
Тош қотган эканман шунча пайт, билдим.
Ахир, сен йиғлама, йиғлама энди,
Ахир, эрияпти менинг юрагим.



* * *

Хилолим, кўзингдан ёшларингни арт,
Қайдан бу дилларни ўртагувчи дард,
Барча орзулардан кечаману шарт,
Агарда мен кетсам, ёмон кетаман.

Бу гуллар дэйрига саёҳат-сафар,
Гоҳида мағлублик, гоҳида зафар,
Чашмимда нилуфар гуллаган сахар,
Карвонга бош бўлиб сорбон кетаман.

Еллар чирпиратган япроқларга айт,
Равонми, тошлими, сўқмоқларга айт,
Жавобларга айтгин, сўроқларга айт,
Ҳеч нарса демасдан ҳар он кетаман.

Дилнинг ёнмоқлиги недан ишорат?
Ҳаммаси муҳаббат, ҳаммаси нафрат,
Эй, хиёнат туғли дунёйи горат,
Мен кетсам, фақат Ҳақ томон кетаман.

Қайдан келаяпти, бу кимнинг уни,
Тамом, кун этаман зулмат, қайғуни,
Сен қандай кетасан, билмайман буни,
Мен кетсам, музаффар, омон кетаман.



БАХТНИНГ ШАКЛИ

Сен мени тушунсанг, шундай тушунсанг,
Йиғолсанг сочилган дилпораларни.

Шунда,

Мен-ла бирга қўшилиб ичсанг
Май қилиб бокира хотираларни.

Сен мени тушунсанг, шундай тушунсанг,
Илғасанг кўнглимнинг ноаларини.

Шунда,

Синдирсам-у кўкрак қафасим,
Кўрсатсам юрагим яраларини.

Сен мени тушунсанг, шундай тушунсанг,
Уқолсанг дардимни қароқларимдан.

Шунда,

Адирларга қонлар сачраса
Юрак деб аталган байроқларимдан.

Сен мени тушунсанг, шундай тушунсанг,
Севолсанг зиёда кутганимдан ҳам.

Шунда,

Арзигайдир қувонганимча,
Менинг ҳам бахтим бор, бахтлиман десам.




Турфа савдо бозорларинг етмайдими,
Шунча берган озорларинг етмайдими,
Кўнглим тўла оҳ-зорларинг етмайдими,
Дунё, турфа бозорларинг етмайдими?

Қайга боқмай бир меҳрга тиламчи кўп,
О, бўйнимга ўралган соч-арғамчи кўп.
Ахир, кимга ишонайин, алдамчи кўп
Дунё, турфа бозорларинг етмайдими?

Юрагимга гул сочдингми, қон сочдингми,
Термулади кўзларимдан жон сочдингми
Дилларимни ўртайдиган он сочдингми
Дунё, турфа бозорларинг етмайдими?

Турфа савдо бозорларинг етар энди,
Шунча берган озорларинг етар энди.
Кўнглим тўла оҳ-зорларинг етар энди,
Дунё, турфа бозорларинг етмайдими?



Бир парча ер, шул тупроқ, эй дил, осмондан яхши,
Шилдираб оққан анҳор, дарё-уммондан яхши.

Билсанг, бир гул ифори, минг гулларга татигай,
Ўшал битта гулгина, боғу бўстондан яхши.

Дўсти кўплар шод бўлинг, бул ҳам тангри неъмат,
Битта оқил душманинг дўсти нодондан яхши.

Гоҳи ҳиммат нелигин билмай ўтар одамзод,
Қатрагина бир иймон, ҳаёту жондан яхши.

Ҳақ йўлида ҳабибнинг тирилтирсанг бир сўзин,
Жавонлардан чиқмаган китоб-девондан яхши.

Мен жим оқар дарёдан зўр ҳикматлар илғайман,
Сукутнинг бу ноласи, бўрон-сурондан яхши.

Адаб дарсин ўтаган, гўзал бўлмаса ҳам гул,
Ҳуснига бино қўйган моҳи тобондан яхши.

Фақат ўзин ўйлаган, одамнинг бу ҳолати,
Миннат билан берилган хайру эҳсондан яхши.

Чала ярим пойма-пой, ноланг қўшиқ бўптими,
Юрак айтган битта сўз, мингта дostonдан яхши.



Одъгнана
ангелар побак



Меҳрларинг асраб турар дунёни,
Ишқим кўнглимдаги мустаҳкам қоя.
Ўзимни ўзимдан англадинг ортиқ,
Сен кунсан,
Кунларга тушмайди соя.

Мағрурсан.
Қарамоқ ихтиёр сенда,
Ўйларинг кўнглимга соғинч тўшасин.
Сен гулсан,
Гулларга ялинма, жоним,
Гуллар келиб сенда,
Сенда яшасин.



ЛАҲЗА

Оҳ, бунчалар гўзал бу суқун,
Осмон жимдир, замин ҳам жимдир.
Мен кимнидир эсладим шу пайт,
Кимдир мени унутди, кимдир.

Шовқин-сурон, бақир-чақирлар,
Гулни синдир, кўнгулни синдир.
Мен йўқотдим кимнидир шу чоғ,
Кимдир мени топди, ҳа, Кимдир.



ҲИЖРОН ҚЎШИҒИ

Дил тубида изҳорларим қолиб кетди,
Севги мендан, юрагимдан нолиб кетди,
Гулим, ҳижрон иккимиздан ғолиб кетди,
Учрашганда энди кўзлар сўзлашади,
Икки ёнда икки юрак бўзлашади.

Сўзламагин дунёлари озор менга,
Қайғу деган, алам деган бозор менга,
Кўнглим, ўзи сендан бўлак ким зор менга,
Учрашганда энди кўзлар сўзлашади,
Икки ёнда икки юрак бўзлашади.

Ахир, менинг орзуларим осмон эди,
Ишончларим бир чаманзор, бўстон эди,
Сенга етмоқ гўё менга осон эди,
Учрашганда энди кўзлар сўзлашади,
Икки ёнда икки юрак бўзлашади.

Ўйламайман деярману ўйлайман мен,
Ўз-ўзимга минг бир эртак сўйлайман мен,
Энди фақат бахтинг тилаб куйлайман мен,
Учрашганда энди кўзлар сўзлашади,
Икки ёнда икки юрак бўзлашади.



ТАСКИН

Севгилим-а, билмадим асло,
Қаён бошлар қадамим маним.
Англаганим ёлғон дунёда,
Нолам бўлди ҳамдамим маним.

Ишонмадинг, ошуфта кўнглим,
Уқиб олгин қароқларимдан.
Мен севмасдим, севмасдим, гулим,
Қўрқсам ишқнинг фироқларидан.

Сен билмайсан, ё истамайсан,
Афғонимга кўмилганларим.
Йиглаб-йиглаб тунлари бедор,
Кўз ёшимга чўмилганларим.

Бу ишқ тамом дегани эмас,
Ҳузуримда қолмаганлигинг.
Бир кун армон бўлади сенга,
Мени сева олмаганлигинг.



**Менинг ҳеч кимим йўқ ўзингдан бўлак,
Дилимни ғамларга келди ўрагим.
Севги — бу юзлари қонаган шафақ,
Бўлак-бўлак бўлиб кетган юрагим.**

**Бўлак-бўлак бўлиб кетган юрагим,
Севги — бу юзлари қонаган шафақ.
Дилимни ғамларга келди ўрагим,
Менинг ҳеч кимим йўқ ўзингдан бўлак.**



ЗУЛФИЖОН

Зулфи, зулфи, зулфи жон,
Надир қалбнинг урфи, жон.
Меҳр билан очилур,
Қўнгилларнинг қулфи, жон.

Орзу дилим арки, жон,
Ғам ҳам унинг курки, жон.
Соғинч нима билмасам,
Қилсам яхши тарки жон.

Армон умрим шарҳи, жон,
Ишончларим барқи, жон.
Зарлар билан ўлчанмас,
Юракларнинг нархи, жон.

Зулфи, зулфи, зулфи жон,
Севги қалбим урфи, жон.
Очилади ишқ билан,
Юрагимнинг қулфи, жон.

Рухим буткул шеърга жон,
Рухдай тоза сирга жон.
Сенсиз яшаб бўлмайди,
Сен-ла, сен-ла бирга жон.



Мен сенга нима ҳам деярдим, ахир,
Кафт очсам кафтимга хумолар кўнса.
Кўз очсам кўзимдан оқса юлдузлар,
Дилбозор дунёда дилгинам синса.

Мен сенга нима ҳам деярдим, ахир,
Менинг излаганим анқоми дунё.
Қартайиб қолганми қувончлар буткул,
Ё сенинг ғамларинг бақоми дунё.

Мен сенга нима ҳам деярдим, ахир,
Қанча интизорлик бўлса менда бор.
Мен тунни соғиндим, фақат бир тунни,
Бошимдан сочларинг сочиблар юбор.

Мен сенга нима ҳам деярдим, ахир...



БАЁТ

Бу аёл фаришта, мужгонларида
Шамс нурларини жимирлатар ҳур.
Бу аёл шу қадар нозикки, аммо
Қалбида барқ урган умиди жасур.

Бу аёл арзийди, ҳатто пойига
Ўзал юлдузларни ҳовучлаб сочсанг.
Бу аёл кўнглининг зиёларидан
Тобора тупроққа дўниб борар санг.

Бу аёл меҳрининг ёғдуларидан
Олам чаманлари гуркираётир.
Бу аёл энг сўлим гулдир, энг нафис
Гуллар ҳам кўркидан кўрк тилаётир.

Бу аёл, оҳ, ёмон оғрийди жоним,
Мени қай гўрларга ирғитдинг, ҳаёт.
Бу аёл, бу аёл энг оғир армон
Ва бахт юрагимни қонатган баёт.



ЮРАККИНАМ

Куёшларим кунларингдан нур олса гар,
Уним чақнаб, чимматингдан дур олса гар,
Баҳорларнинг инояти зўр бўлса гар,
Биз ҳам бахтли бўлармидик, юраккинам.

Йиғладилар баҳоримда кузлар келиб,
Мени мендан излайдилар излар келиб,
Хаста дилга Оллоҳдан бир сўзлар келиб...
Биз ҳам бахтли бўлармидик, юраккинам.

Қизғалдоқнинг лабларидан ўпсам агар,
Барглари-ла кўзларимни ёпсам агар,
Сизни топсам, сизни топсам, топсам агар,
Биз ҳам бахтли бўлармидик, юраккинам.

Сўнг фалакка оққуш бўлиб учиб кетсам,
Кимса етмас томонларга кўчиб кетсам,
Муҳаббатжон, сени қучиб, қучиб кетсам,
Биз ҳам бахтли бўлармидик, юраккинам.



БУ ГУЛ

Очилиб борар бу дил,
Очилиб борар баҳрим.
Ўйларим жарангидан
Тўлқинланади наҳрим.

Қаранг, муаттар ифор
Сочиб боради кўнгул.
Қувончи гул бу гулнинг,
Бу гулнинг қувончи гул.

Нетай, бу юрак ёмон,
Қон бўлиб кутар интиқ.
Қаттиқ қучгим келади,
Ўпгим келади қаттиқ.

Йўқ, жим тургим келмайди,
Қачон бўлар деб изни.
Бу гулнинг исми баҳор,
Баҳор бу гулнинг исми.

Дарахтларнинг қуввати
Барглардамас, илдизда.
Осмоннинг кўрки қуёш,
Ҳам ойда, ҳам юлдузда.

Шамолларда япроқлар,
Учиб боради тамом.
Бу гул хазон билмайди,
Билмайди бу гул хазон...



ВИДО

Бир қиз йиғлаяпти, билмайди ҳеч ким,
Кўнглими дунёдан совий бошлайди,
Сўнг аччиқ устида кўрпага кўшиб,
Менинг юрагимни қавий бошлайди.

Бир қиз йиғлаяпти, билмайди ҳеч ким,
Дилидан ненидир қува бошлайди.
Сўнг аччиқ устида кўйлакка кўшиб,
Ғижимлаб кўнглимни юва бошлайди.

Бир қиз йиғлаяпти, билмайди ҳеч ким,
Қалбида андуҳлар ўя бошлайди.
Сўнг аччиқ устида кўйлакка кўшиб,
Жонимни дорларга ёя бошлайди.

Бир қиз йиғлаяпти, эшитар ҳамма,
Кўнглимда ҳижроннинг уйи бўляпти.
Сўнг аччиқ устида кўрпа ёпиниб,
Йиғладим... Шу қизнинг тўйи бўляпти.

Бир қиз йиғлаяпти...



СЕВГИ

Кўҳна бўлмас севги баёти,
Юрагимда баҳорлар ёди.
Дилда қолар бир умр тотти,
Сумалакка ўхшайди севги.

Ҳар гўшада баҳор ўзгача,
Гуллар рақси алёр ўзгача,
Диллардаги дилдор ўзгача,
Камалакка ўхшайди севги.



СЕНДАН КЕЧМАЙМАН

Жон-ей букун яқин кетди, олис кетди,
Билмам, ёлғон кетдимми ё холис кетди.
Юрагимни бир учириб бир ҳис кетди,
Тамом, энди дунёларга учмайман мен,
Мен ҳаммадан кечдим, сендан кечмайман мен.

Гоҳо секин, гоҳо шошиб тигиз кетди,
Баъзан тўп-тўп кўрдим, баъзан ёлғиз кетди.
Мингта йиғлаб, мингта кулиб минг қиз кетди,
Тамом, энди рўёларга учмайман мен,
Мен ҳаммадан кечдим, сендан кечмайман мен.

Кўнгилчамни тўлдирган бўй—ялпиз кетди,
Баҳор кетди, адирлардан наргис кетди.
Истардим-ку, кетмаслигин ҳаргиз кетди,
Тамом, энди гиёларга учмайман мен,
Мен ҳаммадан кечдим, сендан кечмайман мен.

Сулаймон ҳам орзу этган тахтлар кетди,
Гоҳо тўхтаб, гоҳ югуриб вақтлар кетди.
Аҳдлар қолди, шахдлар кетди, нақдлар кетди,
Тамом, энди ҳийлоларга учмайман мен,
Мен ҳаммадан кечдим, сендан кечмайман мен.




Кўксимни очсам гар, кунлар куйгайдир,
Минг битта пардада унлар куйгайдир.
Сен асло ҳайиқма, кўрқмагин, жоним,
Адоватлар куйгай, кинлар куйгайдир.

Дема, гулгун шафақ қоним осмондир,
Руҳим осмон маним, жоним осмондир.
Сен асло ҳайиқма, кўрқмагин, жоним,
Султоним осмон-ку, хоним осмондир.

Гоҳ кулгум, гоҳида хўрлигим келди,
Шул забун ҳолимда зўрлигим келди.
Сен асло ҳайиқма, кўрқмагин, жоним,
Қалбимга зангори ҳурлигим келди.

Харобот манзиллар обод бўлгайдир,
Гул гул-гул очилиб, дил шод бўлгайдир.
Сен асло ҳайиқма, кўрқмагин, жоним,
Хазонлар ям-яшил ҳаёт бўлгайдир.



Жоним, бу юрагим ўзимникимас,
Кўзимдан боққани кўзимникимас,
Тилимни тилгани тўзимникимас,
Менинг ғамим гўзал, армоним гўзал.

Хур қизлар ҳуриллаб ўтар кўнглимдан,
О, зулми зириллаб ўтар кўнглимдан,
Майсалар шивирлаб ўтар кўнглимдан,
Менинг ғамим гўзал, армоним гўзал.

Ер қорлар тўлдирган бошимга маним,
Юзим ариқларин ёшимга маним,
Қалдирғочлар қўнган қошимга маним,
Менинг ғамим гўзал, армоним гўзал.

Оҳу нигоҳларнинг оҳлари ёлғон,
Оҳлари чўккан дил доғлари ёлғон,
Дунё чаманзори, боғлари ёлғон,
Менинг ғамим гўзал, армоним гўзал.



Ойдин қучоғимда бир гул йиғлади,
Бир гул йиғламади, кўнгул йиғлади.
Бу не лаҳзадирки, минг йил йиғлади,
Сен нечун йиғладинг,
Мен йиғламадим.

Юрагим тош экан, тошлар йиғламас,
Ким айтар сабрлар, дошлар йиғламас.
Фошлар ёлғон йиғлар, лошлар йиғламас,
Сен нечун йиғладинг,
Мен йиғламадим.

Сочилган тунларни туймайми эди,
Кўзларинг куйида куймайми эди.
Суймайми, суймайми, суймайми эди,
Сен нечун йиғладинг,
Мен йиғламадим.

Ёндим, юрагимда қуёш оқмоқда,
Ва ёки кўзимдан қон-ёш оқмоқда.
Охир, оғир-оғир бардош оқмоқда,
Сен нечун йиғладинг,
Мен йиғламадим.



БИР ҲИС БОРКИ...

Ёлғонлардан безган юрагим,
Атиргулдир, қонаган ҳайрат.
Қачон одам бўламан, гулим,
Қачон одам бўласан, Файрат.

Айтма...

Дарахт энг сўнги япроқ,
Қалбимдаги ҳилвираган дард.
Мен сен учун келганман атай,
Мен сен учун яшамоғим шарт.

Йўқ ўзимга ўхшамайман гоҳ,
Бундай яшаш...

Ахир, не маъни,
Қачонгача алдайман ўзни,
Қачонгача алдайман сани.

Етади, бас, исбот этаман,
Тунларнинг ҳам ойдинлигини.
Бир ҳис борки, бир туйғу ҳаёт,
Муҳаббатдан устуңлигини.



СОБИТЛИК

Бошим узра барги хазон айланади,
Фалакларда мунис азон айланади,
Минг сунбула, мингта мезон айланади,
Шу айланар чархда менинг йўлим бўлак.

Кўнгилларда қанча тўзон айланади,
Гоҳи шайтон, гоҳи Раҳмон айланади,
Бари қийин, бари осон айланади,
Шу айланар чархда менинг дилим бўлак.

Омон-омон, замон-замон айланади,
Кимдир бемор, кимдир эсон айланади,
Саҳроларда баъзан бўстон айланади,
Шу айланар чархда менинг гулим бўлак.

Гоҳи юрак ўққа нишон айланади,
Гоҳи ишққа бир қаҳқашон айланади,
Кимдир беном, кимдир бешон айланади,
Шу айланар чархда менга ўлим бўлак.

ГУЛ САНАМ

(туркумдан)

• • •

Кўзларингни соғиндим, Гулим,
Юлдузлар ёғмоқда киприкларимдан.
Икки соҳилдамиз, боряпман ўтиб,
Дарёнинг дарз кетган кўприкларидан.
Кўзларингни соғиндим, Гулим,
Етиб бўлармикин хаёлларимга.
Мен кўнгил бермадим, дунё тескари,
Изимда изғиган ҳилолларимга.
Кўзларингни соғиндим, Гулим,
Ҳижронлар, сеними, армон атади.
Ғар менинг чекимга тушсайди дунё,
Буткул майхонага айланар эди.
Кўзларингни соғиндим, Гулим...

• • •

Ўн саккиз ёшингда ўн саккиз мингта
Оламлар эргашди сенга, Гул санам.
Ўн саккиз ёшимда ўн саккиз мингта
Аламлар эргашди менга, Гул санам.

Ўн саккиз ёшингда ўн саккиз мингта
Кувончлар бағрида яшаяпсан, Гул.
Ўн саккиз ёшимда ўн саккиз мингта
Аянчлар бағрида яшаяпман, Гул.

Ўн саккиз ёшингда ўн саккиз мингта
Парилар сочингни ўради сени.
Ўн саккиз ёшимда ўн саккиз мингта,
Сўраса ҳам оҳлар сўради мени.

Ўн саккиз ёшингда ўн саккиз мингта
Фалакларда яшасанг керак.
Ўн саккиз ёшимда ўн саккиз мингта
Оққушларга айланар юрак.

* * *

Минг ғам чекдим, озор ўтди юрагимдан,
Озор-озор бозор ўтди юрагимдан,
Алвон-алвон гулзор ўтди юрагимдан,
Куйган бўлсам қуёшдан-да куйгандирман.
Суйган бўлсам, Гул санамни суйгандирман.
Кетадирман, қарорим шу, кунга томон,
Сиз билмаган, англамаган унга томон,
Унга томон, унга томон, унга томон,
Мен ҳам банда — хатога йўл қўйгандирман.
Суйган бўлсам...
Суйган бўлсам...
Гул санамни суйгандирман.

* * *

Бугун юрагимда дарддан иморат,
Сўнгсиз ўй-хаёллар бўйнимдан бўғар.
Турналар баҳордан айтманг ривоят,
Сиқилиб кетаман. Жоним қийналар.

Соғиндим.

Хаёдан рўмолча ёпинган гулим,
Булбулинг кутарсан ҳазин энтикиб,
Менинг ҳам дўзахда қолгандай дилим,
Юрак уммонида андуҳлар чўкиб.

Соғиндим.

Кел-ей, сабру тоқат, бұл қариндошим,
Муҳаббат аслида бокира замзам,
Абадий қуёшдек абадий ишқим,
Биз бирга бўламиз, ишон, Гул санам.

Соғиндим...



Иккинчи қават —

Дилни куйдиради бир ўтли нигоҳ,
Оламини тўлдирди сукут жаранги.
Чақинлар уйғонди юракда, бироқ,
Билмайман сариқми, яшилми ранги.

Иккинчи қават —

Яшил насимларнинг туйдим бўйини,
Муҳаббат қуёши кўнди кўксима,
Бизга нима, ахир, дунё ўйини,
Жон кўнгул, ўксима, кўнглим, ўксима.

Иккинчи қават —

Осмонда тўй қилар бир тўп қушчалар,
Ерда гуллайверар бу гуллар ёмон.
Муҳаббат асрайди, ахир, қанчалар
Отилган тошлардан кўнгулни омон?!

Иккинчи қават —

Мени кучоқлади бир ўтли нигоҳ,
Кўнгул исёни йиқиб бўлмайди,
Осмон жуда яқин, мумкиндир чиқмоқ,
Лек, иккинчи қаватга чиқиб бўлмайди.



БЕГОНАЛИК

Бодомлари таниш бу йўлнинг,
Одамлари таниш бу йўлнинг.
Бир гулини севар эдим мен,
Энди менга ёт бўлган гулнинг.

Бахт тилаган ҳумоларим-ай,
Дилда ёзиқ яғмоларим-ай,
Оҳ, қандайин унутаё, ахир,
Энди менга ёт бўлган гулнинг.

Отолмайман, тошларим йўқдир,
Тугаб бўлди, ёшларим йўқдир,
Қумсайверар юрагим санчиб,
Энди менга ёт бўлган гулнинг.

Сен кун кўргин тунлар бошимда,
Видо тўла унлар бошимда.
Ўйи билан яшарман нетай,
Энди менга ёт бўлган гулнинг.




ВАСФ

Нигоҳида ой балққан,
Киприги юлдуз таққан,
Бу дилбарнинг хаёли,
Юрак бағримни ёққан.

Яшаяпман ёнида,
Ёнида ҳижронида.
Унинг каби бир гул йўқ,
Бу жаҳон бўстонида.

Жоним қайнаб бормоқда,
Қоним қайнаб бормоқда.
Висолинг умидида
Оним қайнаб бормоқда.

Эй, кўзлари жайроним,
Эй, қошлари камоним.
Айтишим керак бўлган,
Айтилмаган достоним.



* * *

Оҳ, бунчалар қийнайсан,
Жонни ёмон ўйнайсан.
Тўйиб кетдим дардлардан,
Сен дардлардан тўймайсан.

Дилбарларинг дил билмас,
Тушунмайди тил билмас.
Қон йиғлаган чаманда,
Гул эканин гил билмас.

Кимдир ғариб, ким гани,
Дўст деб ёндинг, дўст қани.
Индамасанг нокаслар,
Пайт пойлайди сотгани.

Кўрдинг, дунё ўтмасму,
Айтгил, яранг битмасму.
Шундай тинмай ўртансанг,
Кўксим куйиб кетмасму.

Билдим, сен-ла нур бўлдим,
Кўп йиғлатдинг, дур бўлдим.
Кўксимга боқ, кўксимга
Қуёш билан бир бўлдим.



БОЛАЛИК СОҒИНЧИ

Қирққиз тепаларда лолақизғалдоқ,
Менинг юрагимдан сачраган нола.
Йўлингга кўз тикиб турибман муштоқ,
Олис адирларда югурган бола.

Тоғнинг бағрин ёриб чиққан эй булоқ,
Шилдираб оқишинг мунис шалола.
Эсимда тим қора, кўзлари мунчоқ,
Олис адирларда югурган бола.

Сочига толбаргак ярашган ҳой қиз,
Намунча чиройли қизингиз хола.
Кўнглимни чўлғаган бирам тотли ҳис,
Олис адирларда югурган бола.

Менинг ўжар синглим орзуси осмон,
Кумуш кулгуларинг нурдан зилола.
Юрагим энг тоза ўйларга макон,
Олис адирларда югурган бола.

Онажон, қалбимни мен кимга айтай,
Бирдан ёндирсам-у, сочимдан тола
Пайдо бўлиб қолса эртаклагидай
Олис адирларда югурган бола.

БУНЧА ОЗ СЕВАСИЗ

Бунча оз севасиз, ёмон севасиз.

М. Цветасва

**Дарахтсиз, кўлларим етмас мевасиз,
Англамоқ истайман қандай шевасиз.
Сизнинг ишқингизга тўйиб бўлмайди,
Бунча оз севасиз, ёмон севасиз.**

**Изингизни излаб излар нигорон,
Сизни сўрайверар сўзлар нигорон.
Кутиб-кутавериб кўзлар нигорон,
Бунча оз севасиз, ёмон севасиз.**

**Кўкда зуҳромидир, ерга тушибдир,
Югуриб, сел-селоб терга тушибдир.
Ошкорга тушибдир, сирга тушибдир,
Бунча оз севасиз, ёмон севасиз.**

**Ёлгон деб боқолмам куйганингизга,
Руҳим рангларини туйганингизга.
Ишонгим келади суйганингизга,
Бунча оз севасиз, ёмон севасиз.**



ЧОРЛОВ

Жонгинам, изимни эркалаб суйгин,
Гул кирган кўзимни эркалаб суйгин.
Мен ҳам бандасиман Қодир Эгамнинг,
Фанимат ўзимни эркалаб суйгин.

Менинг армонимга менгзар алам йўқ,
Соғинган дунёмга тенг бир олам йўқ,
Хоҳла минг йил изла, хоҳла милён йил,
Файрат Мажид деган бошқа одам йўқ.



АЖРИМ

Диллигинг гумон мутлақ,
Орзиқиб кутолмасанг.
Худо ҳам сўрамайди,
Худони сўрамасанг.

Бу нима? Кошонами?
Бунчалар губору чанг.
Худо ҳам қарамайди,
Худога қарамасанг.

Энди йиғлаяпсанми?
Надомат,
афсус,
атганг!
Худо ҳам ярамайди,
Худога ярамасанг.

Туфроқдай юмшоқ эди,
Энди осмон ўпар санг.
Худо ҳам асрамайди,
Худони асрамасанг.



Менинг бахтсизлигим—кимнингдир бахти,
Кимдир ҳаловатда яшайди менсиз.
Сенинг ҳаётингга ҳеч даҳлим йўқ-ку,
Бунчалар ғамгинсан. Йиғлайсан...Эссиз.

Айбим қўлларингдан тутганиммикин,
Ўпганлариммикин юзларингдан ё.
Мен ким бўлибман-а, айт, ахир, мен ким,
Ахир, сен нимасан, нимасан дунё?!

Даҳрнинг осуда кунлари курсин,
Адовати курсин, кинлари курсин.
Менинг отим курсин, ёллари курсин.
Сўриксиз бечора ҳоллари курсин.

Қисмат. Менинг эрким ўша хилқатда.
Сўрмай қўйди мени, қачон сўради.
Дунё ёрлақаса ёрлақар шундай,
Ғайрат, Худо урса шундай уради.



САВОЛ

Гул кўнглимнинг дарёлари тошқин бўлди,
Тошқин дарё бунчалар шўх, шошқин бўлди,
Ҳаммалари кўзимдаги ашким бўлди,
Мен ким бўлдим?

“Йилт” этди-ю, минг армонни бошлаб кетди,
Ҳумоларим маъволарим ташлаб кетди,
Юрагимни тош бағирлар тошлаб кетди,
Мен ким бўлдим?

Армон бўлди кўкдан тиниқ орзуларим,
Соғинчларим дунё-дунё қайғуларим,
Санамжоним, шуми ўзи, айт, бўларим,
Мен ким бўлдим?

Гуноҳкорман, қачон айтдим савоб бергин,
Тунда қолдим, айтдими ё офтоб бергин,
Менинг учун бир саволга жавоб бергин,
Мен ким бўлдим?



Бизни ҳеч ким тушунмайди куз,
Кўй, бағримни ўртама, хазон.
Кўнглинг бўлса менда, кўнглинг уз,
Севдим дедим, севганим ёлғон.

Оҳ! Буралиб йиғлайди йўллар,
Кимга осон, кимларга осон.
Туфроқларда оқади диллар,
Севдим дедим, севганим ёлғон.

Дараларда илонлар кўтдир,
Заҳар сочар, чақади ёмон.
Сенинг исминг нимайди тақдир,
Севдим дедим, севганим ёлғон.

Гуллар ўйнар, қалбимда эса
Туйғуларим уради жавлон.
Лабу бағрим қонатган бўса,
Севдим дедим, севганим ёлғон.

Қани гуллар дилим бўлсайди,
Меҳр армон, муҳаббат армон.
Қумриларим кимларнинг сайди,
Севдим дедим, севганим ёлғон.

БИР КУН...

1

Бир куни кунларим кетсаю мендан,
Агар қолса айланмай тилим.
Ялмоғизлар қайта тирилиб,
Тилка-тилка айласа дилим.
Бир куни кунларим кетсаю мендан,
Қулаб тушса бошимга тоғлар.
Авайлаган оққушларимнинг,
Кўзларини чўқиса зоғлар.
Бир куни кунларим кетсаю мендан,
Тугаб қолса мободо йўлим.
Осмонларга бошим тегсаю
Юлдузларга етмаса қўлим.
Бир куни кунларим кетсаю мендан,
Айрилиқлар қазсалар қабр.
Ўшанда ҳам сиғинганимсан,
Суянганим эурсан, сабр.

2

Бир кун гуноҳларим ўлдирар мени,
Хатога айланди саодатим ҳам.
Лавҳул Маҳфузида ёзилгани не,
Ё куйиб кетдими охиратим ҳам.
Ўзинг саховатсан, ўзинг шафқатсан,
Етти кўк ларзада қироатимдан.
Сенинг тафтинг мавжуд, менинг тафтимда,
Нигоҳлар куймоқда ҳароратимдан.
Менинг уним билан кўкарган дунё
Ғариб юрагимга йўғринавергум.
Кунгинам етишмоқ даврони бордир,
Рухафзо кунларни соғинавергум.



ИЛҲАҚЛИК

Зор йиғладим, бутун замин кўл бўлди-ей,
Самоларнинг кўм-кўк юзи ҳўл бўлди-ей,
Юрагимда армонларим мўл бўлди-ей,
Моҳларойим, келармисан, келмасмисан?

Ай бокирам, мадад бергин, ўтинаман,
Ўртанаман, кўйдим ишқнинг ўтиминан,
Минг йилдирким, соғинаман, зор кутаман,
Моҳларойим, келармисан, келмасмисан?

Булбуллар-ла зоғлар сира тиллашмагай,
Бўри зоти шерлар билан беллашмагай,
Кўнглим, сени ёт кўнгиллар билишмагай,
Моҳларойим, келармисан, келмасмисан?

Бир кам дунё, бири ортиб кетар дунё,
Қачон вафо кўчасидан ўтар дунё,
Шунча қайғу, шунча андуҳ етар, дунё,
Моҳларойим, келармисан, келмасмисан?

Қизғалдоққа баробардир жуссагинам,
Етти кўкни тутиб кетар ғуссагинам,
Ўзгалардан сўрорим йўқ, йўқдир гинам,
Моҳларойим, келармисан, келмасмисан?



ОРТИНГИЗДАН БОРГИМ КЕЛЯПТИ

Пешонамни сурдим туфроққа,
Юлдузларга урдим бошимни.
Дарёларми, бир томчи экан,
Ўлчаганда тўккан ёшимни.
Кўнгил қурғур нечун тўлмайди?
Ортингиздан боргим келмайди.

Бодоми йўқ, толлари қурсин,
Тош кўчалар дардим билмайди.
Қувончларим — қартайган дунё,
Армонларим, ғамим ўлмайди.
Оҳ, бу тентак кўнгил тўлмайди,
Ортингиздан боргим келмайди.

Кўзларингда яширгин жоним,
Кўзларимда беркитдим мен ҳам.
Ахир, қадр-қиммати бир тийин,
Ошкорага айланса олам.
Сабил қолгир кўнгил тўлмайди,
Ортингиздан боргим келмайди.

Ёлгон сўзлаш ярашмас,
Ва хушомад тил учида.
Ўйи дилда, нигоҳлари
Кўзларимнинг ҳовучида.
Оҳ, барибир кўнгил тўлмайди,
Ортингиздан боргим келмайди.

Ёлгон сўзлаш ярашмас менга
Ортингиздан боргим келяпти...



ЙЎЛОВЧИ

Ёндиради дилларни,
Оҳим кўпдир, кулим йўқ.
Мен севаман гулларни,
Боғим кўпдир, гулим йўқ.

Бирам дилбар, хуш иси,
Гоҳ сароб, туш иси,
Шаробдек эт нўш, иси,
Чоғим кўпдир, куним йўқ.

Гул сочдими кулгичи,
Нур сочдими кулгичи,
Дил сочдими кулгичи,
Доғим кўпдир, дилим йўқ.

Чинорлардан эртак қоқ,
Дунё нима, этак қоқ,
Қара, қара, йўлга боқ,
Чоҳим кўпдир, ўлим йўқ.



Бир учиб, бир кўниб, кўнгилга келдим,
Оҳ, бунчалар зўрдир, бу шиддат, шитоб.
Билдим, ёлғизлардан ёлғиз эканим,
Гўё мен жавонда сарғайган китоб.

Қара, мен гулларга ўт кўйдим баҳор,
Дунёга боқди-ю, қизарди офтоб.
Бекор ўйлаганман уларни, бекор,
Муҳаббат!
Муҳаббат!
Ёлғон бу хитоб.

Ёраб, ҳаммасидан кечгим келар, бас!
Ҳазонлар кетдилар тутақиб, тутаб.
Ёндим, деб бўзлайди музлаб қолган сас,
Яна қанча рўё кўйганинг атаб.

Сен ҳам битта йиғла,
Сиз ҳам қайғуринг.
Бугун гулми бетоб, кўнгулми бетоб.
Дунё, етар шунча алдаганларинг,
Энди алдамоққа бошқа одам топ.



ҚАДР

Гулим, гул юзингиз қуёшли, ойли,
Гулим, кўнгулчангиз бунчалар ройли.
Қалбимда кўқларга айлаган парвоз
Ўйим бор, ўйларим сиздан чиройли.

Қаранг, бу боғларга кузлар келдилар,
Юзимга юз босган юзлар келдилар.
Кўнглумга шундайин сўзлар келдилар,
Ўйим бор, ўйларим сиздан чиройли.

Қаҳратон қаҳри не, музлар эрийди,
Дилларда тош қотган тузлар эрийди.
Розларим гул этган рўзлар эрийди,
Ўйим бор, ўйларим сиздан чиройли.

Юлдузлар қоронғу кучоқларда ул,
Шунга ҳам шунчами, боғлар тўла гул.
Кўнглум, сен ҳам қувна, сен ҳам битта кул,
Ўйим бор, ўйларим сиздан чиройли.



* * *

Мен кетдим, қайтмоқлик шабнамдай оғир
Минг аср айролиқ наҳрида оқдим.
Бари мендан ўтди, кунларим сағир
Тақдир тахирларини этмоқда тақдим.

Тап-тақир саҳрода ҳамроҳим ўзим,
Жаҳаннам ўтларин тўшаса керак.
Мана, бинойидек гумроҳ ҳам бўлдим,
Ичимда шайтонлар яшаса керак.

Чўкдим қуёшдаин, бағрим қонталаш,
Ўйим юлдузлардай кетди тарқалиб.
Мен нур тилаб эдим, бу қандай яшаш,
Руҳимда гулларим борсалар қариб.

Тамом. Сен арзийсан фақат севишга,
Ҳеч узиб бўлмайди дил ришталарин.
Жоним, мен ўзимни яна унутмай,
Кўнглимга жойлаб қўй фаришталаринг.



Менинг ярим кўнглим сира тўлмади,
Тунларим кулдилар, куним кулмади.
Ўйларинг қалбимни этди ошиён,
Сендан ўзгасини севиб бўлмади.

Бир боқсам юрагим жизилласа ҳам,
Самолар қонимдан қизилланса ҳам,
Изимдан мингта қиз изилласа ҳам,
Сендан ўзгасини севиб бўлмади.

Сен менинг гавҳарим, зулфи заримсан,
Гулсанамим ўзинг, нилуфаримсан,
Ахтарим ахтардим, оҳу-зоримсан,
Сендан ўзгасини севиб бўлмади.



Гулим, зилол-зилол нусратинг недир,
Ўт бўб гуриллаган ҳасратинг недир,
Муҳаббатинг недир, нафратинг недир,
Билолмай, кўйингда куйгайдир кўнгил,
Куйгаю яна хўб суйгайдир кўнгил.

Ял-ял ёниб турган атиргулгинам,
Ичимда бир олам хотир гулгинам,
Висол хаёл бўлмай надир гулгинам,
Билолмай, кўйингда куйгайдир кўнгил,
Куйгаю яна хўб суйгайдир кўнгил.

Қачон поён топгай бу сеҳру афсун,
Боқсанг, сароб каби бетакрор фусун,
Шунданми, изтироб, ғам йўли узун,
Билолмай, кўйингда куйгайдир кўнгил,
Куйгаю яна хўб суйгайдир кўнгил.

Мажнун, ошиқликни кўнглимдан ўрган,
Лайли, севдирмоқни Лайлимдан ўрган,
Ким, қачон, қаерда ҳумони кўрган,
Билолмай, кўйингда куйгайдир кўнгил,
Куйгаю яна хўб суйгайдир кўнгил.

Азим уммондир бу, зикримда сенсан,
Ўзим ўзимда йўқ, фикримда сенсан,
Сўнгсиз сўқмоқларда шукримда сенсан,
Бахт шудир, кўйингда куйгайдир кўнгил,
Куйгаю яна хўб суйгайдир кўнгил.



Узилдими муҳаббатнинг торлари,
Кимга етгай ишқсиз дилнинг зорлари.
Меҳр дея қароғимда асраган,
Кўнглумдаги бургутларнинг орлари.

Кимга вафо қилди дуннинг зарлари,
Келмайдими садоқатнинг галлари.
Қароғимда асраганим кўкайим,
Қалдирғочлар келиб кетган жарлари.

Қуёшдан зўр ёнолмасанг ўчиб кет,
Ерга тушма, ердан пастга тушиб кет.
Дилим, агар қанот бўлсанг бир дилга,
Бахтлар тўла манзилларга учиб кет.



Менинг кўзларимни ўғирлолмайди,
Кундай яратибсан барноларингни.
Лоақал севишга арзирмикан, айт,
Изимдан изгиган раъноларингни.

Оламини сир қилиб бинолар этдинг,
Ҳеч англаб бўларми маъноларингни?
Нени лойиқ кўрсанг шукрона айтиб,
Ўзинг-чун ўқийман саноларимни.

Нилуфаргул янглиғ бўлибсан, илло,
Бўйида турибман дарёларингни.
Санам-о, бошимга урайми, айтгил,
Ўзингдан ўзга бор дунёларингни.



Бизсиз бахтга кетганлари ёлғон гулнинг
Гарчи биздан кўнгиллари қолғон гулнинг.
Юраклари мустаҳкам бир кўрғон гулнинг,
Бизсиз бахтга кетганлари ёлғон гулнинг.

Дунё шундай, камлари ҳеч тўлмайди, дил,
Йўқ, япроқлар саргаймайди, сўлмайди, дил.
Қалбларида умидлари ўлмайди, дил,
Бизсиз бахтга кетганлари ёлғон гулнинг.

Тўлқинларда банди сузар, ахир, кема,
Шамолларга тўлқин нима, тошқин нима,
Ўзингни ҳам, мени ҳам, дил, кўп қийнама,
Бизсиз бахтга кетганлари ёлғон гулнинг.

Бизсиз бахтга кетганлари ёлғон гулнинг.
Гарчи биздан кўнгиллари қолғон гулнинг.
Юраклари бир мустаҳкам кўрғон гулнинг,
Бизсиз бахтга кетганлари ёлғон гулнинг.



ОҲ УРДИМ

Мен кимга шайдоман, мен кимга шайдо,
Йўлимда ғуссанинг гуллари пайдо,
Ассалом алайкум, келдим дилимга,
Дилимда не бордир видодан бўлак.

Бунча сарғаймасанг, эй, хазон фасли,
Елларинг ейди дил, эй, тўзон фасли,
Йўқ, асли баҳорсан, баҳор — жон фасли,
Мен кимман, куйингда адодан бўлак.

Ёндим, кўзларимдан юлдузлар боқар,
Боқсам, юзларимдан кундузлар боқар,
Нечун ғамли-ғамли ҳур қизлар боқар,
Менинг нима бордир савдодан бўлак.


Чокидан сўкилиб кетди осмон ҳам,
Оҳ урдим, тўкилиб кетди осмон ҳам,
Фақат мурувват қил, шафқат қил, эгам,
Ҳеч не қилолмадим хатодан бўлак.




Булбулларим кетди боғимдан,
Куриб қолди гулларим мана,
Қўлларингда тошмиди, дўстим,
Яна қанча отасан, яна...

Нима бўлди менга одамлар,
Нима қилди, айт, дунё сенга?
Кўнглим менга қўйди қарамай,
Қарамайлар қўйдим кўнглимга.

Тоғ эгилди, тиз чўкди осмон,
Куйлаётган юрагим — бахши.
Ҳаммасига силтадим қўлим,
Бир ўлим бер яшашдан яхши.



Агар аллақачон ўлмаган бўлсанг
Агар тирик бўлсанг ростдан ҳам тирик.
Агар муҳаббатдан яралган бўлсанг,
Агар дилинг бўлса бир гулга шерик.
Агар Хизир бўлса шафқат дегани,
Агар яшай олсанг, мана, дея жон,
Агар садоқатнинг тиллари бўлса,
Агар юрагингда тошса ҳаяжон.
Агар куйдирилса оламни туфроқ,
Агар ёндиролса хазонлар буткул.
Агар қадаҳларинг лиммо-лим бўлса,
Агар кулгуларинг сочса атиргул.
Кўймагин шунчаки дунёни туртиб,
Юзлари ол гулим, саслари ҳаёт,
Кўшиқ айт,
Кўшиқ айт,
Шу қадар айтгин,
Селдай оқиб кетсин бутун коинот.



Қайга учаяпсан нозик капалак,
Бугун боғлар сокин, тоғлар ҳам жимдир.
Эвоҳ, юлдузларни тушунмас фалак,
Дунё, айт, дўстим ким, душманим кимдир?

Куёшга ўт қўйган нолаларимдир,
Юлдузлар қўзимда жолаларимдир.
Қайдасан садоқат, қайдасан кадр,
Дунё, айт, дўстим ким, душманим кимдир?

Дунё айтганларинг қутлуғ сас эмас,
Муқаддас билганинг муқаддас эмас.
Бир эзгин саволлар сочар хору хас,
Дунё, айт, дўстим ким, душманим кимдир?

Менга етар бир қуш сиғган бир инча,
Ўйларим дилимнинг тиргаги-химча.
Кўнглумда орзулар, билмайман, қанча,
Дунё, айт, дўстим ким, душманим кимдир?



ВАСЛ

Бу кеч ҳам йиғладим, бу кеч ҳам шундай,
Сарғайган япроқлар, туфроққа яқин.
О, менинг кунларим бугун бошланди,
О, менинг кунларим бугундан якун.

Бу кеч ҳам йиғладим, бу кеч ҳам шундай,
Уй маконинг — кўнглим аслдир.
Жоним, мен биламан сарғаймоқ фасл,
Жоним, мен биламан ўлмоқ — васлдир.



Қирга қазғалдоқлар оқиб бородир,
Булбуллар чўқиган менинг кўнглимдан.
Ҳаёт менга шунча ёқиб бородир,
Ҳалиям кўрқаман, ўлимдан.

Ёлғондир баҳодир, ботирман десам,
Кўкларнинг илкидан тутурман десам,
Жуда кўп нарсага қодирман десам,
Негадир кўрқаман, ўлимдан.

Жон-ей, қатрангманми, зарраларингми,
Қачон забт этаман марраларингни.
Ҳаммадан яшириб яраларимни,
Мен ҳамон кўрқаман, ўлимдан.

Рост калом шавқидан ичиб борар қалб,
Буткул рўёлардан кечиб борар қалб,
Тобора Ҳақ томон учиб борар қалб,
Мен энди кўрқмайман, ўлимдан.



Келгин, кунларимни зулф эт, малагим,
Ўйинг-ла қалбимни қулф эт, малагим,
Кўнглимда ўзгача урф эт, малагим,
Фақат... сен... йиғлама...

Тилимни унутай, гунгланиб кетай,
Айланай ғамларга, мунгланиб кетай.
Мен майли қийналиб, инграниб кетай,
Фақат... сен... йиғлама...

Ахир, сен қандайин қайгусан, қайғу,
Бунчалар ширинсан, дил ўртар туйғу,
Тирноқларинга ҳам арзимайман-ку,
Фақат... сен... йиғлама...



Кўкайингдан бир ўпай, Кўкой,
Ахир, қуёш нигоҳим маним,
Юрагимни бўлашиб бердим,
Севиб қолдим бугун ҳаммани.

Кўкайингдан бир ўпай, Кўкой,
Менга маскан, менга эл қани?
Тўйиб кетдим. Дунёси қурсин,
Ёмон кўриб қолдим ҳаммани.

Кўкайингдан бир ўпай, Кўкой,
Кўкларингни суртай кўзимга.
Мен ўзимни кўрмадим чоғи,
Сен ўзимни кўрсат ўзимга.



ДУНЁ

Кўрдим, минг бор ҳаёт бағишлаб,
Минг ўлимга бошлар ҳам дунё.
Ўйлагандим, тошлар йиғламас,
Йиғлар экан тошлар ҳам, дунё.

Дил шод дединг, шодлигинг нима,
Бўларкан-ку, фошлар ҳам, дунё,
Ўлиб ётар ҳатто тириклар,
Мангу яшар лошлар ҳам, дунё.

Сенинг турфа ўйинларинг кўп,
Тўқ яшаркан очлар ҳам, дунё.
Чидар экан барига кўнгил,
Тошдан экан бошлар ҳам, дунё ...



* * *

Ҳавасим йўқ, ай, кунлари осудалар,
Дема, алам чекадилар, қайғудалар.
Тўғри, мендек топилмайди дил задалар.
Мен биламан кимга дунё ўйнагулик.

Шу қалбимга балки қанча гул зор, жоним
Қўй, жонимга яратмагил, гулзор, жоним.
Ҳеч кимсага берма-берма озор, жоним,
Бунда битта менинг жоним қийнагулик.

Бу дунёю, у дунёи суюқлигим,
Суйдим-суйдим мангулигим, тириклигим.
Кўкарганим, кўнгилчамнинг куюқлиги,
Фақат сен бор, олам борки, яшнагулик.



Ассалому алайкум!

Хатми...

“Ўқиётган пайтингизда

Мен узоқда бўламан сиздан.

Хайр, дейман, эзилар юрак,

Унутмаслик шарти билан”.

Чиндан хатми... сўзлардан

Отилиб чиқади бир нигоҳ.

Ва руҳимга айланиб бир дам

Кучоғига олади ногоҳ.

Наҳот,

Наҳот кетганингиз рост,

Япроқдай киприқдан узилар ёшим,

Дўллар ёғди бахтнинг устига.

О-оҳ...

Ҳумоларни урдими яшин.

Туфроқ гўша этаман кўкни,

Парвоз этар юрагим—тайр.

Олам, менга фақат гул керак,

Керак эмас риёкор дайр.

Хайр дема, ишондим сенга,

Осмон менинг қалбим тўла ун.

Шабнамлардан яралган дунё,

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!



ОҚҚУШГИНАМ

Сени кўрдим, изҳори дил этганим йўқ,
Жондан севдим, қўлларингдан тутганим йўқ,
Тушларимдан ўзга жойда кутганим йўқ,
Армонимга айланган, эй, оққушгинам.

Оҳулар ҳам ҳавас этган кўзинг гўзал,
Товон ўпган сочингу гул юзинг гўзал,
Оламлари ичра танҳо ўзинг гўзал,
Армонимга айланган, эй, оққушгинам.

Фариштадек оқ либосда ясан-тусан,
Мени дарду ғамга бериб кетдинг-кусан,
“Ёр-ёр” айтманг пари қизлар дилим куйган,
Армонимга айланган, эй, оққушгинам.

Энди менга узун-узун бўлдинг эртак,
Кунларим чўғ, тунларим чўғ, ёнар юрак,
Ёлғон тўла дунё менга нима керак,
Армонимга айланган, эй, оққушгинам.

Тушларимда сочларингни силайман мен,
Тушларимда суярман, эркалайман мен,
Дуо қилиб фақат бахтинг тилайман мен,
Армонимга айланган, эй, оққушгинам.

Шеър қиламан
бутун дунёни





ИШҚ

Дунёни тўлдириб гулагим келар,
Аммо гул қайдадир, кўнгул қайдадир?
Ким у— кўёшни май қилиб тутган,
Ким у— юрагимни қиймалаган сир?

Мен ким дунёнинг бурчида бадар,
Ўйлари санқиган, хаёли дайди.
Кўнглумда бир гул бор, билар ҳаммани
Афсуски, у гулни ҳеч ким билмайди.

Энди нилуфарнинг баргчаларидан,
Бир уй қураман, мусаффо манзил.
Осмон, тул қолдим, деб ўртанма ёмон,
Кел, менинг кўзимга, кўзимга осил.

Бир гул гулигидан сўзлайди охир,
Дилимга илоҳий ифорлар елса.
Ахир, нима қилай тинмай ёнса дил,
Дунёни тўлдириб гулагим келса.



СЕН ҚАЧОН КЕЛАСАН?

**Юрган дарё, турган бүйролар келди,
Ақлидан, ҳушидан айролар келди.
Кумушбиби келди, Лайлолар келди.
Сен қачон келасан?**

**Бу наҳри кўнгилга елканлар келди,
Армони осмондан улканлар келди,
Ўзича бекаму ул камлар келди.
Сен қачон келасан?**

**Билмайман, қайданам ваҳмлар келди,
Титратиб, қақшатиб заҳмлар келди,
Бир гузал шафқатлар, раҳмлар келди.
Сен қачон келасан?**



ЁМҒИРЛАР


Сўнгсиз дард қалбимга тинмай қуюлар,
Ахир, бу дилимнинг тенгсиз дилбари.
Кимнингдир кўз ёши бўлиб туюлар,
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.

Кўрдим, қон қақшатиб маъсудаларни,
От чопиб ўтдилар дилсизлар бари.
Дунё қадрига ет озодаларни,
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.

Хору ҳасларни ҳам неъмат англадим,
Яшиндек кетмоқда дил илдиз сари.
Бунчалар навқирон, бунчалар қадим,
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.

Қара, тоғу тош ҳам кўкармоқда кўр,
Оқиб бораётир қир-адирлари.
Эй, дил чорламоқда, чорламоқда юр,
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.

Қуёшми, покиза оҳлар ёлқини,
Шабнамлар порлаган кўзлар гавҳари.
Ҳаяжон тошқини, соғинч тўлқини,
Баҳор ёмғирлари, куз ёмғирлари.



МУҲАББАТ УЧУН

Дунё, турфа найранг тўла
Бозорларга ўргандим,
Тилиб кетди юрагимни,
Озорларга ўргандим,
Минг бор ўлдим, шу мингта
Мозорларга ўргандим,
Сен дилларнинг ўлмайдиган
Садоларин бил, гулим.

Ўзингни бахт, дилимни
Жабрларга бериб кет,
Тупроқ бўлсин тошларим,
Сабрларга бериб кет,
Сен устида ўс, мени
Қабрларга бериб кет,
Сен дилларнинг ўлмайдиган
Нидоларин бил, гулим.

Сен кул, менга шу қисмат,
Йиғлаб ўтай дунёдан,
Бир навонинг сеҳри-ла,
Рухлаб ўтай дунёдан,
Ҳатто бахтни туш кўрмай,
Ухлаб ўтай дунёдан,
Сен дилларнинг ўлмайдиган
Видоларин бил, гулим.



ИШОНМА

Ишонма,
бу дилнинг диллиги ёлгон,
Ишонма,
гулларни бахтларга кўмдим.
Ишонма,
пойимга йиқилган осмон,
Ишонма,
меҳрга зорман бир чимдим.
Ишонма,
изғирин изиллар дилда,
Ишонма,
юрагим ўртанган қақнус,
Ишонма,
ялмоғиз бу ишқли йўлда,
Ишонма,
хорларга кўмилган беҳис.
Ишонма,
гулларга тўлади олам,
Ишонма,
куёшда тўй қилар тақдир,
Ишонма,
бу алвон кенгликлар кўркам,
Ишонма,
мен сени севаман, ахир.
Ишонма...



АЛАМ

Ойнинг ўроғи билан
Кўнглимни тиглатаман.
Қуёшни олиб кўкдан
Кўксимда ухлатаман.
Ваҳ, ёниб кетди юрак,
Дунёни чўғлатаман.
Йиғлатиб энди ўзни,
Сени ҳам йиғлатаман.

Бошимни кўтаргандим,
Осмонга тегиб кетди.
Юлдузлар кўз ёшимдек
Тупроққа сингиб кетди.
Боғ тўла гулчаларни
Билмам, ким юлиб кетди.
Йиғлатиб энди ўзни,
Сени ҳам йиғлатаман.

Зухроси зор қақшайди,
Тоҳири йўқ, билмайман,
Замири қандай чархнинг,
Зоҳири йўқ, билмайман.
Боши пок, нурдай эди,
Охири йўқ, билмайман.
Йиғлатиб энди ўзни,
Сени ҳам йиғлатаман.

Қалбимда алвон-алвон
Онларга кетолмасам,

Қилгандек ўзим орзу
Бонгларга кетолмасам,
Энг ҳарир, энг мусаффо
Тонгларга кетолмасам.
Ўзимни йиғлатиб зор,
Сени ҳам йиғлатаман.



ЁМҒИРЖОНИМ

Сен кимларнинг кўзларидан оқмоқдасан,
Кўзларингни кўргим келди, ёмғиржоним.
Ё заминга шу йўсинда боқмоқдасан,
Кўзларингни кўргим келди, ёмғиржоним.

Тўлқинларда ўйнатади дарё, мана,
Сен билмайсан сандиқдаги Тоҳир – жоним.
Армонларим юрагимни қийнар яна,
Кўзларингни кўргим келди, ёмғиржоним.

Сирлари кўп бу дунёнинг поён билмас,
Ёниб турган дилга малҳам чоғир, жоним.
Аммо менинг телба кўнглим нечун тўлмас,
Кўзларингни кўргим келди, ёмғиржоним.

Ўзгарсанг-чи, соддагинам, кўнглим қурғур,
Қара, бунда ҳамма олғир, моҳир, жоним.
Алдовларни тингламоққа фурсат йўқдир,
Кўзларингни кўргим келди, ёмғиржоним.

Бу ростдан ҳам кўз ёшмидир, кўз ёшмикин,
Бир жаннатий ифорлари анқир, жоним.
Жоним маним оташларда талошмикин,
Кўзларингни кўргим келди, ёмғиржоним.

Англаганим бир ишқ билан гўзал дунё,
Чақирганда келгин, ёки чақир жоним.
Ҳар томчиси битта дарё, азим дарё,
Кўзларингни кўргим келди, ёмғиржоним.



★ ★ ★

Кўп куйиб йиғладим севги ҳақида.
Кувондиқ Сиддиқ

Менинг кўзларимга шафқат айлама,
Жоним гул, яшама кўзларим учун.
Мен қайга бошимни уриб йиғлайман,
Бугун айтиб қўйган сўзларим учун.

Айт кимдан муҳаббат тиламоқ мумкин,
Эҳ, бу ёлғон дунё—ишратгоҳида.
Қалбда қад ростлаган сарғайган дарахт—
Оҳу афғон қилар булбул шоҳида.

Бир куни дунёни янгилайман мен,
Ёниб-куйиб кетар эски ақида.
Кейин бор нафратим сочиб ўзимга,
Севгилим, йиғлайман севги ҳақида.

Ўшанда меҳрлар мурувват этмас,
Мени асрамайди ёлғон сўзларим.
Ўшанда ҳаммадан қизғонган, ёнган,
Парво ҳам қилмайди ҳатто кўзларим.

Тамом, кўзларимга шафқат мумкинми,
Ўтиндим, яшама кўзларим учун.
Токи битта ўзим жавоб берайин,
Ишқларда тобланган сўзларим учун.

Бир куни дунёни янгилайман, мен...



СЕНИ ТОПСАМ ЎЗНИ ЙЎҚОТИБ

Айрилиқнинг даштида кезиб,
Умидларим кетдилар тўзиб.
Сен келсайдинг, ҳу ой – кулчани,
Қўлларингга берсайдим узиб.

Қон қилиб, қон ютмоқда юрак,
Жондан ёмон ўтмоқда юрак.
Бу кўнгилни ишониб кимга,
Қаёнларга кетмоқда юрак?

Мен девона, ёмон бўлдим мен,
Армон бўлдинг, армон бўлдим мен.
Сен бор бўлгин, бахтли бўл, эркам,
Менми, шундай тамом бўлдим мен.

Олма юзинг ўпсайдим, кошки,
Йўлингга нур сепсайдим, кошки.
Мен ўзимни йўқотдим охир,
Ёлғиз сени топсайдим, кошки.



ДАЛДА

Ҳамма нарса қийнайди гўё,
Ҳамма нарса келтирар ғашинг.
Сенга фақат кулгу ярашар,
Мумкин эмас сенинг йиғлашинг.

Кимни қарғаб, дейсан кимгадир,
Тошдан бўлсин илоҳо бошинг.
Бунга ҳеч не демайман, лекин
Мумкин эмас сенинг йиғлашинг.

Асал тутиб гоҳо нокаслар,
Оғуларга тўлдиран ошинг.
Озорланма, айланиб кетай,
Мумкин эмас сенинг йиғлашинг.

Ҳаёт бордир кўзларингда гул,
Нима дунё, тўкмагин ёшинг.
Қанча йиғи, ўзим йиғлайман,
Мумкин эмас сенинг йиғлашинг.



ГУЛИЖОН

Хаёлимдан кетмас ҳурсан, гулижон,
Кўзимни куйдирар нурсан, гулижон,
Шу қадар бепоён сирсан, гулижон,
Тумонот ўйларга чўмиб бораман,
Юракни ишқингга кўмиб бораман.

Гоҳ дунё кўзимга чўгдай кўринди,
Қақраган чўллар ҳам боғдай кўринди,
Кўнглимнинг димоғи чоғдай кўринди,
Баридан кўзимни юмиб бораман,
Юракни ишқингга кўмиб бораман,

Қирдан қизғалдоқлар эниб келади,
Саболар измига кўниб келади,
Гулбаргга шабнамлар қўниб келади,
Мен-чи зилолингга дўниб бораман,
Юракни ишқингга кўмиб бораман.

Алифдек қаддимни эгиб бўлса ҳам,
Сўнгсиз гуноҳларга чўкиб бўлса ҳам,
Қалбимни, қадримни букиб бўлса ҳам,
Меҳру ишончингга қониб бораман,
Юракни ишқингга кўмиб бораман.



МАЛИКАМ

Кўзи қора, маликам,
Гули сара, маликам.
Битта менинг юрагим
Пора-пора, маликам.

Дунё эрмак, маликам,
Гоҳо эртак, маликам.
Битта менинг юрагим
Ёммон юрак, маликам.

Юзлари оқ, маликам,
Сўзлари оқ, маликам.
Битта менинг юрагим
Бўлмайди соғ, маликам.

Савол оғир, маликам,
Завол оғир, маликам.
Битта менинг юрагим
Беҳол, оғир, маликам.

Жондай сингил, маликам,
Кўзинг кўнгил, маликам.
Битта менинг юрагим
Йиғлар, сен кул, маликам.



ҲАДЯ

Не бўпти даҳри очун,
Ошиқдан олар ўчин.
Қуёшга боқмоқ учун
Қўзимни аямайман.

Азалдан шундай жаҳон,
Кимдир нон, ким сўрар жон.
Бўлгали сенга қурбон,
Ўзимни аямайман.

Менга ғамларинг тортиқ,
Бахт борми бундан ортиқ.
Соғиниб, кутиб содиқ,
Рўзимни аямайман.

Сен танҳо, сен энг улуғ,
Исмларинг ҳам қутлуғ.
Ишқнинг нури-ла тўлуғ,
Сўзимни аямайман.

Не бўпти даҳри очун...



МУНОЖОТ

Илоҳи,
Лавҳу онларимни ёзган бир қўл бор,
Туфроқда самога элтар чўнг йўл бор,
Қўқларда мениям англаган дил бор,
Худога шукур.

Илоҳи,
Ишқнинг ширин-аччиқ азоблари бор,
Унда қоврилмакнинг савоблари бор,
Бу дунё-у дунё жавоблари бор,
Худога шукур.

Илоҳи,
Не бўлса барига камарбаста дил,
Таним саломатдир, бемор-хаста дил,
Гоҳ чопиб, гоҳида борар аста дил,
Худога шукур.

Илоҳи,
Истасанг, гоҳ сўлсам, очилиб кетсам,
Истасанг, йиғинмай сочилиб кетсам,
Сенга сингийверсам, қўшилиб кетсам,
Худога шукур.

Илоҳи...



ТАЪРИФ

Кўзлари хумор севги,
Ойлардан дилдор севги.
Бўйнингда маржон-маржон,
Юлдузлар туммор севги.

Оҳ, бунча ёмон севги,
Ҳам дардга дармон севги.
Қайларга юрар бўлсам,
Йўллар сен томон севги.

Кўнглимда ёғду севги,
Покиза туйғу севги.
Соғинчи осмон-осмон,
Ҳам сўнгсиз қайғу севги.

Умидлар шахдим севги,
Армонлар аҳдим севги.
Севмоқлик тақдир азал,
Ёнмоқлик бахтим севги.

НАРГИС

(достондан)

* * *

Айтгин, мужгонимда мавжланган шабнам,
Кўзимда юрагим қуёшдай балқир.
Мен ҳали боламан, мен ёш боламан,
Мени ёмон кўриб бўлмайди, ахир!

Шафқатни билмайди дунёи беҳис,
Муҳаббат бечора, муҳаббат сағир.
Сенинг руҳинг нарғис, вужудинг нарғис,
Мени ёмон кўриб бўлмайди, ахир!

Қирққизда қирқта гул бепарво ухлар,
Руҳимда гуллаган бир исм тақдир.
Кўзимда аҳли кул тебраниб йиғлар,
Мени ёмон кўриб бўлмайди, ахир!

Дил — жомда товланган атиргулдай ол,
Менинг ҳаётимдан сўйлайди чоғир.
Хазонларни кўкка учирган шамол,
Мени ёмон кўриб бўлмайди, ахир!

Билмайман, чулдираб сўйладим нени,
Бу не ҳолатдирки, кўнглумда содир.
Аслида менимас, аслида сени...
Сени ёмон кўриб бўлмайди, ахир!

* * *

Бўғзимда тирқирар нидо — жон
Шул нидо жонимга фидо жон.

**Кўзимда гуллаган ҳаяжон,
Исмингдан айланай, Художон!**

**Бу гулгун май – умр, ичмайми,
Ҳумога қўшилиб учмайми,
О, бу гул руҳимдир, қучмайми,
Исмингдан айланай, Художон!**

**Ҳўб беҳуш айлади хуш ислар,
Хуш ислар – шабнамдан пок ҳислар,
Кўнглумнинг гуллари наргислар...
Исмингдан айланай, Художон!**

**Кўйингда куй бўлди, куйди жон,
Минг марта жонидан тўйди жон,
Барибир, барибир суйди жон,
Исмингдан айланай, Художон!**

**Бўғзимда тирқирар нидо – жон,
Шул нидо жонни деб адо жон,
Дунёга айтилган видо – жон,
Исмингдан айланай, Художон!**

*** * ***

**Гуллар кўнгулларнинг қарзимас, гулим,
Битта шивирингга арзимас, гулим,
Сендан бошқалари орзумас, гулим,
Ғамларни менга бер, ғамларни менга!**

**Ҳали айтилмаган аҳдлар келади,
Самога интилган шахдлар келади,
Айланиб, ўргилиб бахтлар келади,
Ғамларни менга бер, ғамларни менга!**

Сен куйсанг, куёш ҳам кулга айланар,
Сен суйсанг, юрагим гулга айланар.
Бу диллар ҳали бир дилга айланар,
Ғамларни менга бер, ғамларни менга!

* * *

Севгилим! Тошлар ҳам эшитсин, майли,
Тушса кўнглумизга тупроқ бўлади.
Санамоқ бўлсалар ёшимизни гар,
Ҳатто юлдузлардан кўпроқ бўлади.

Севгилим! Биз ёндик, биздан шунчалар
Захлаган туйғулар йироқ бўлади.
Мана, кўзимизда тутдик юракни,
Куёшдан мунаввар чироқ бўлади.

Севгилим! Кўрарсан, қанотсиз диллар
Ишқимиз сеҳрида учмоқ бўлади.
Меҳр аямаймиз, уларни кўкка
Элтади, қалбимиз учоқ бўлади.

* * *

Нимага ташнадир бу қақроқ лаблар,
Кимни изламоқда бу кўзлар, ёҳу.
Дунёда бир гул бор, гуллардан дилбар,
Дунёда бир дил бор, беозор оҳу.

Зулумот йўлларни ёритар тақдир,
Умидим – кўнглумда нур сочган чироқ.
Сенинг келишларинг бахтиёрликдир,
Сенинг кетишларинг – энг буюк фиरोқ.



Бу дунё дилларнинг ҳабиби демай,
Ҳақдан хайрларнинг тилаган хайри.
Ахир, яшаб бўлмас гулларни севмай,
Ахир, яшаб бўлмас гуллардан айри.

Ростимни айтайин, ай, ялпизий жон,
Меҳр ҳам қадимий, қаҳр ҳам қадим.
Мен сени топганман десам, бу ёлғон,
Мени сени йўқотдим десам, алладим.



Наргис – юрагимда гуллаган гулим,
Кўзимда жимирлар шода-шода нур.
Бир бахтки, шунчалар, шунчалар сўлим,
Ҳали очилмаган гунчадайин ҳур.

Менинг хаёлимдай нафис, бокира,
Наргис – юрагимда гуллаган гулим.
Ложувард кенгликлар ҳайрати аро,
Сенга бошлайверар самовий йўлим.

Оҳ! Менинг фалакка узанган кўлим,
Инжа муждалардан хабар бер, Осмон!
Наргис – юрагимда гуллаган гулим,
Фақат ишқ, фақат ишқ, бошқаси ёлғон.

Ҳатто очилмаган гунчадан ҳам ҳур,
Битта бахт меники, шунчалар сўлим.
Кўзимда жимирлар шода-шода нур –
Наргис – юрагимда гуллаган гулим.

Эй кўнгил, шундайин ўтаверсам мен,
Дилимни хасми ё барг этиб яна.
Олаимни гулга безайверсам мен,
Орзу-армонларга арк этиб яна.

Азал-азал қуёш шарқдан чиққайдир,
Яшарман юракни шарқ этиб яна.
Зулматларда қолган чаманлар сизни,
Кўмгайман нурларга ғарқ этиб яна.

Кимдир дунёсини шарҳлаб берсаю,
Ҳою ҳавасларни марг этиб яна.
Кейин мен дунёни тарк айласам-да,
Яшасам таркимни тарк этиб яна.



ХОТИРА

Англамабман, билмабман, оҳ қадрингизни,
Кун чўкарди қошларида, сабрингизни,
Ҳар баҳорда йўқлаб-йўқлаб қизғалдоғу,
Капалаклар қучар энди қабрингизни.

Дил масканга на таскин бор, на бир малҳам,
Сиз, болам деб ётгандирсиз тупроқда ҳам.
Кўнгулдаги борларини кўриб баҳам,
Капалаклар қучар энди қабрингизни.

Энди менга кун дунёлар татирмиди,
Кенгликлари кенгликмиди, адирмиди.
Атиргуллар сочган бўйи атирмиди?
Капалаклар қучар энди қабрингизни.

Минг битта ғам оҳангларда тарзим қолди,
Сизга айтар қанча сўзим, арзим қолди.
Гарданимда узиб бўлмас қарзим қолди,
Капалаклар қучар энди қабрингизни.



Қошлар камон қародир-эй,
Шундан бағрим яродур-эй.
Учқур отга айланибон,
Юрак сента бородур-эй.

Э-ҳей, қадди ниҳолидан,
Чаман ҳусни жамолидан.
Дилдаги ишқ ўчармиди,
Сочларингни шамолидан.

Кўкда танҳо ой бўлади,
Нури дилга жой бўлади.
Келмас бўлсанг юраккинам,
Армонларга бой бўлади.

Ғам гуллари сўлиб кетсин,
Барча ҳижрон ўлиб кетсин.
Кел, иккимиз ишқ ичамиз,
Олам бахтга тўлиб кетсин.



ИҚРОР

Ишқ қуёши қуёшим билсанг,
Юрагимда ёниб турган чўғ.
Яшнаб кетар кўзларинг қулсанг,
Кўзларингни унутганим йўқ.

Ғамми, қувонч насиба рўзлар,
Оппоқмиди, олмиди юзлар,
Эсимда йўқ кечаги сўзлар,
Кўзларингни унутганим йўқ.

Ҳар кишининг ори бўлсин-эй,
Ҳамда ҳалол кори бўлсин-эй,
Бир вафодор ёри бўлсин-эй,
Кўзларингни унутганим йўқ.

Шарқираган сойлар қайдадир,
Ҳуснига қул ойлар қайдадир,
Жайрон чопган жойлар қайдадир,
Кўзларингни унутганим йўқ.

Кўнгил ичра бир ширин қайғу,
Кетма қайғу, яшагил манғу,
Исмингни ҳам билмайман, туйғу,
Кўзларингни унутганим йўқ.



КЕЛДИМ

Сенинг чиройинга таърифми, даркор,
Ҳамма одам каби ҳайрона келдим.
Ай менинг гулшаним, ай обод диёр,
Боққил, аҳволимга вайрона келдим.

Бу куйнинг бўйидир, бу куйнинг сози,
Юракни куйдириб сайрона келдим.
Тўзиб кетган дилга тилама тўзим,
Ўзимми, шундай ҳам тўзона келдим.

Сўлим баҳорлардан хуш дарак эдим,
Сарғайиб-сарғайиб хазона келдим.
Ишқ билан бебаҳо бир юрак эдим,
Шул дамда бечора, арзона келдим.

Маним афгор ҳолим аёндир сенга,
Фақат раҳматингга нишона келдим.
Ўзимни енгмайми, ўзимни енгга,
Кўҳна муҳаббатдан нишона келдим.

Мажнун ошиқман деб лофлар урмасин,
Жоним, Мажнундан ҳам девона келдим.
Боқсанг, нурлар ёғар кўнглимдан сим-сим,
Харидорлар ичра бир дона келдим.



ЮЗМА-ЮЗ

Дунё, менми, шундай наргисдай жусса,
Яримта кўнглимда ўйларим бутун.
Эй, сен кўзларимни яшнатган гусса,
Мен, ахир, бир келдим, бир марта келдим.

Зумуррад бу тонглар кўзим оқидан,
Қароғим қорайди... қайдасан, бахтим.
Кунлар куйиб борар кўнглим оқидан,
Мен, ахир, бир келдим, бир марта келдим.

Очилгинг келади сенинг ҳам, гунча,
Нетай, олам кенгмас, ҳаво бунча дим.
Мен минг йил йиғлайман бир сўз айтгунча,
Мен, ахир, бир келдим, бир марта келдим.

Оҳ, соғинч ёшлари кўзимда жиққа,
Жунжикиб кетади бу ҳисдан эгим.
Мен энди келмайман, келмайман бошқа,
Мен, ахир, бир келдим, бир марта келдим.

Менми, ялпиздай ё, наргисдай жусса,
Умидим — кўкларга элтгувчи шахдим.
Эй, сен, кўзларимни яшнатган гусса,
Мен, ахир, бир келдим, бир марта келдим.



Сенга дунё керакми эди,
Кўкламми ё сенга, азизим?
Балки сенга сўзим керакдир,
Балки сенга керакдир кўзим?

Йўқ, тортинма, ошкора айтгин,
Мен ғамларга йўғрилган дунё.
Муҳаббатнинг асириман-ку,
Кўзларимни кўр қил илоё.

Кечалардан келмайди кечгим,
Оҳ, тонгларнинг отиши ёмон.
Осмон, сенга эгилмайман, йўқ,
Кўзларимга чўккала осмон.

Мени ўзим биламан тамом,
Қай шаклда ичиму ташқим.
Мен суймайман очилган гулни,
Очилмаган гулларда ишқим.

Дунёмиди, айлансин сендан,
Мана кўклам, сенга азизим.
Ғам нимадир, танимай яша,
Ҳамма ғамга етаман ўзим.



Сенинг ўйинг билан термулсам кунга,
Куннинг ҳам кўзидан ёшлари оқгай.
Бағритош дунёнинг бағридан эриб,
Дарё-дарё бўлиб тошлари оқгай.

Ўланлар бир гўзал ўлан айтади,
Чуғурлаб-чуғурлаб қушларим келгай.
Бу қандай жаннатий он бўлди дея,
Ўнгимга югуриб тушларим келгай.

Хатто ҳаяжонин беркита олмай,
Юраги ёрилиб кетар ҳайратнинг.
Бўлар-ку ўйингдан, гар ўзинг келсанг,
Тасаввур қилолмам унда Файратни.



КИЙИКЧАЛАР

Эх, бепоён кўзларига тўйиб бўлмас,
Кўзлар айтган сўзларига тўйиб бўлмас.
Тангрининг бул рўзларига тўйиб бўлмас,
Бирам гўзал термулади кийикчалар.

Шамолларда учган хасдек умр ўтгай,
Барча ишга гўё асдек умр ўтгай.
Аслида-чи, бир нафасдек умр ўтгай,
Бирам гўзал термулади кийикчалар.

Чархи дилнинг тонгларини билсайдим мен,
Кенглари-ю, тангларини билсайдим мен,
Юрагимнинг рангларини билсайдим мен,
Бирам гўзал термулади кийикчалар.

Нигоҳлари жонимдаги вулқон дейми,
Ё қасди жон, ё жонимга қалқон дейми,
Дунё ўзи бошдан оёқ армон дейми,
Бирам гўзал термулади кийикчалар.

Эх, бепоён кўзларига тўйиб бўлмас,
Кўзлар айтган сўзларига тўйиб бўлмас,
Тангрининг бул рўзларига тўйиб бўлмас,
Бирам гўзал термулади кийикчалар.



Ошуфта дилимнинг оғаси ғамлар,
Фироқлар фироқдан сабоқ айтганми?
Ёсуман пойида ёсуман йиғлар,
Даҳридун меҳрга талоқ айтганми?

Тунлар черик тортиб келар кўнглимга,
Ўтлари ўчдими ўчоқларимнинг.
Жонона, нишона айлаб юрагим,
Қалбимга санчаман пичоқларимни.



ЁЛҒОНЛАРИМ

Орзуларим юрагимнинг тайри, гулим,
Юлдузларнинг орасида сайри, гулим,
Айтолмайман, қувончу ғам, айри, гулим,
Бир кун мени ёлғонларим ўлдиради.

Малоҳатли туйғуларим муқаддасим,
Юрагимда алвон гуллар қурди базм,
Кўзларимдан нур таратган нурдай исм,
Бир кун мени ёлғонларим ўлдиради.

Тиллар ёмон тилларимни тилиб кетди,
Дилдай дилбар гулларим сир, юлиб кетди,
Сўнг устимдан мазах этиб, кулиб кетди.
Бир кун мени ёлғонларим ўлдиради.

Чин ошиқлар қуюб кетган, мен ол майман,
Гуллаб кетган гулчаларни мен олмайман.
Севмай дейман, мен севмасдан яшолмайман,
Бир кун мени ёлғонларим ўлдиради.



МУҚАДДАС ОҒРИҚ

Кўнглимдан бошланди менинг нигоҳим,
Билмайман, аланглаб нимани ўқир.
Бош уриб бормадим, бормадим, моҳим,
Сен атай келмадинг, келмадинг, оғир.
Оҳ, қурий бошлади руҳим гуллари,
Оҳ, қурий бошлади кўздаги ёшим.
Қалбимдан чулдирар мунгнинг тиллари,
Оҳ, менинг — ғамбода йигирма ёшим.
Тамом. Дунёларда яшиллик инмас.
Тамом. Замин сориқ, осмон ҳам сориқ.
Эҳ, сенга қанчалар чопяпман билсанг,
Қанчалар кутяпман, муқаддас оғриқ.



ЗАРУРАТ

**Тўғри, сизнинг кўзингизда кунлар кулар,
Бу сочилган сочингизда тунлар кулар.
Тилингиздан учиб чиққан унлар кулар,
Фақат, фақат менсиз бахтли бўлолмайсиз.**

**Пойингизда юлдузчалар гилам бўлар,
Ҳатто хазон тўла боғлар кўклам бўлар.
Битта нарса дунё қадар бир кам бўлар,
Фақат, фақат менсиз бахтли бўлолмайсиз.**

**Сиз йиглайсиз, ёшингиздан гул унади,
Ёшлар тўккан кўзингизда дил унади.
Югурасиз, аммо қачон йўл унади,
Фақат, фақат менсиз бахтли бўлолмайсиз.**

**О, бокирам, лафзингиздан, аҳдингиздан,
Айтишади, бир эркалаб шаҳдингиздан.
Сиз истайсиз дейишларин бахтингиздан,
Фақат, фақат менсиз бахтли бўлолмайсиз.**



Севги, сендан тонмасман,
Кавсармисан, қонмасман.
Мен бошқача севаман,
Ёнмаса гул ёнмасман.

Гуноҳим кўп, қормасман,
Кенгман доим, тормасман.
Гул келмаса ёнимга,
Мажнун бўлиб бормасман.

Мен ҳам битта карвонман,
Гоҳ қиммат, гоҳ арзонман.
Армон бўлса гул менга,
Мен ҳам гулга армонман.

Севги, сендан тонмасман,
Кавсармисан, қонмасман.
Мен бошқача севаман,
Ёнмаса гул ёнмасман.

НИЛУФАР

(туркумдан)

* * *

Ойу юлдузларни қошига чорлаб,
Сувлар билан суҳбат қураётган гул.
Нилуфар гулим-а, нилуфар гулим,
Кузларим сен томон бошляпти йўл.
Оққушлар сен ҳақда сўзлади қониб,
Ай, кўнгил курсин-а, девона кўнгил.
Энди тезроқ юриб кўзларимдан ҳам,
Юрагим сен томон бошляпти йўл.
Тақдирнинг қўлида бир севги қурбон,
Сувдан чиқолмайсан,
Мен тушолмайман.
Муҳаббат биз билмас ерларга кетган,
Битта қучолмайсан,
Бир қучолмайман.
Нилуфар гулим-а, нилуфар гулим,
Кўз ёшлар қўйнида яшаётган гул...

* * *

Ўзинг бир ғунчасан, ўзинг бир ғунча,
Шундай ҳам ғўзалсан очилма бунча,
Ёшимга қўшилиб кўзим томгунча,
Тиз чўкиб баргингни ўпсам, нилуфар.

Бу дунё тенгмасдир анҳорларингга,
Анҳорда сеп ёйган баҳорларингга,
Ҳавас қилсин туну наҳорларингга,
Тиз чўкиб баргингни ўпсам, нилуфар.

Дунёнинг бесамар ғамидан кетиб,
Кипригида қўнган намидан кетиб,
Ортиғидан кетиб, камидан кетиб,
Тиз чўкиб баргингни ўпсам, нилуфар.

Митти шохчаларинг, поянг ҳам гўзал,
Кичкина қирларинг, қоянг ҳам гўзал,
Ўзинг жонимдирсан, соянг ҳам гўзал,
Тиз чўкиб баргингни ўпсам, нилуфар.

Айлангим келяпти ирмоқларингга,
Раҳм эт, қадлари сўроқларингга,
Мен илҳақ турибман қирғоқларингга,
Тиз чўкиб баргингни ўпсам, нилуфар.

* * *

Ўзича қуёшдек порлар сурайё,
Умидим тонгларга айласам сафар,
Кўзим ёшларида гуллаган дунё,
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

Меҳр юлдузлари кўкларда олис,
Кўзим учқунидан сачраган гавҳар.
Телба юрагимдай, ғамимдай холис,
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

Нафиса оҳанглар сочди дил гули,
Бу қандай тароват, бу қандай ифор.
Кун десам кунлардан тафтли, ёғдули,
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

Ўйларнинг чангида тўхтаб қолди вақт,
Соҳира туйғулар рангида саҳар.

Бахтлардан ясалган илоҳий бир тахт,
Нилуфар, нилуфар, нилуфар.

* * *

Юлдузлар осиди киприкларимга,
Қайдан келаяпти тонгларнинг иси?
Танни қўй,
Руҳим ҳам талпинар сенга,
Нилуфар – нилуфар дарёнинг қизи.
Шундай ҳам яшашнинг йўлин билмадим,
Шундай ҳам озорлар суяди дилни.
Мени балиқ қилгил дарё, бўлмаса,
Қирларда қизғалдоқ нилуфар гулни.



ЖОНГИНАМ МЕНИНГ

Бир кун қуёш эриб тушади.
Ерга бағрин бериб тушади.
Ой юлдузлар териб тушади,
Жоним, жоним, жонгинам менинг.

Гуллар баргин ёйиб келади,
Шабнамга юз чайиб келади.
Ошкор келар, ғойиб келади,
Жоним, жоним, жонгинам менинг.

Ўйлар дилни ёқиб ошиқар,
Қир-адирлар оқиб ошиқар.
Кўк томчилаб, ёғиб ошиқар,
Жоним, жоним, жонгинам менинг.

Юрак ёнар, кўнгул ёришар,
Рух нур сочар, об-гил ёришар.
Кел, қалбимда очил, ёришар,
Жоним, жоним, жонгинам менинг.

Дилга сиғмай ғайрат тошади,
Кўзларидан ҳайрат тошади.
Сувратлардан сийрат тошади,
Жоним, жоним, жонгинам менинг.



Ўзимни алдайман. Сен ҳам алдайсан,
Яна ҳаммасига мен ишонаман.
Қайдасан, ёнимда йўқсану, лекин
Мен яшайвераман фақат сен билан.
Оҳ, жоми жамшидга кундузлар эмас,
Кечалар тўлди-я, зулматлар тўлди.
Шоир деб атасанг, ачинмайсанми,
Файрат Мажид деган бир шоир ўлди.
Ютоққан кўзларим,
Айт, нима қилай,
Ихтиёр ўзингда, тикилтиргайсан.
Яна шу тобда, маҳбубам, аллаб,
Ўлган шоирингни тирилтиргайсан.



Ойни қучдим, ой нима,
Қалбим, бу ҳол нимаydi.
Дунё, етар айнима,
Биров бир сўз демайди.

Гул этсам ғам қаҳримни,
Яримта дил бутланмас.
Ёнаётган бағримми,
Ёнди ёмон ўтданмас.

Ёниб бир уй садрида,
Кўнгил ҳамон тўлмайди.
Чаманзор дил қадри-да,
Фақат бир гул ўлмайди.

Қани, қани гул қани,
Усиз умрим ўтмайди.
Зор кутаман ҳаммани,
Мени ҳеч ким кутмайди.



СЕВМАДИ

Арслонга

Ул қизни мен севдиму, гул қиз мени севмади,
Ишққа тўла кўнглимни тушунмади, билмади,
Минг йил бўлди чорладим, бир боқмади, келмади,
Ул қизни мен севдиму, гул қиз мени севмади.

Осмонману бағримда зухро-қамар нега йўқ,
Ҳижронида қуймақдан роҳи дигар нега йўқ,
Тун ҳукмрон қалбимда, шамсу саҳар нега йўқ,
Ул қизни мен севдиму, гул қиз мени севмади.

Оҳ, муҳаббат юлдузи сўндимикан, билмайман,
Бахт боғига бойқушлар қўндимикан, билмайман,
Мен-чун дунё аламга дўндимикан, билмайман,
Ул қизни мен севдиму, гул қиз мени севмади.

Мажнун бўлиб дунёдан ёлғиз ўтай майлига,
Ёндим ёмон, чорламанг, гул муҳаббат сайлига,
Ёлбориш йўқ энди ҳеч Зухрога ҳам, Лайлига,
Ул қизни мен севдиму, гул қиз мени севмади.



МУДДАО

Улгаяпти менинг кўзларим,
Ўсаяпти юрагим мана.
Бугун боғлар бўй чўзди кўкка,
Қумричалар қилди тантана.

Меникидир мана шу кўнгил,
Ташлаб кетган роҳи рўёни.
Покиза оҳ ҳаққи, ҳурмати,
Шеър қиламан бутун дунёни.



Сенинг кулгуларинг кумуш сочади,
Бошимга турфа хил юмуш сочади.
Менинг дардларимни билмайсан, дунё,
Шунда ҳам най бўлиб қамиш сочади.

Осмонга кетурман, юлдуз яхшидир,
Туфроқни англатар, илдиз яхшидир.
Менинг юрагимга алвон гул сочган,
Армонлар қайраган нимдиз яхшидир.

Дунё, ёқмайдирсан, ёқолмайсан-ку,
Кўзимдан ёш бўлиб оқолмайсан-ку.
Менинг гулларимдан камни излама,
Менинг кўзим билан боқолмайсан-ку.



Буткул қийноқлардан ҳузур топди дил,
Бедардга дардларни бўларми тўкиб.
Тўлғона-тўлғона тебранса кўнгил,
Кўзларинга чўкиб.

Кўнглим тураверар негадир қақшаб,
Қарғалар қалбимни едилар чўкиб.
Кетсам ойгами ё қуёшга ўхшаб,
Кўзларинга чўкиб.

Ғамлар шодлигимни қайратадилар,
Кибрларим кетдилар қадримни букиб.
Бир лаҳза бўлса ҳам яшагим келар,
Кўзларинга чўкиб.

Муҳаббат сеҳридан эриб оқар санг,
Мен қўйдим кўнглимда меҳрингни экиб,
Сен эса яшасанг, мангу яшасанг,
Кўзларимга чўкиб.

Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур

Дилойим, дилингда дилдирайди жон,
Очилган гунчамас, қонаган юрак.
Кел, суҳбат қурайлик ерга туш осмон,
Бизни унутганни унутмоқ керак.

Тоқатим тоғ маним, тоқатим тоқмас,
Дунё, назарларинг, айт, нечун оқмас,
Йўқ, дилдан ўзгаси дилимга шоҳмас,
Бизни унутганни унутмоқ керак.

Ахир, нима ўзи дунёи оний,
Турфа чаманзорин чиройи оний.
Демакки, фироғи савдойи оний,
Бизни унутганни унутмоқ керак.

Ҳисларим шу қадар, ҳисларим яшил,
Меҳридил нигоҳим—кўзларим яшил,
Дунёни яшнатар сўзларим яшил,
Бизни унутганни унутмоқ керак.

Дилойим, дилингда дилдирайди жон,
Очилган гунчамас, қонаган юрак.
Кел, суҳбат айлайлик ерга туш осмон,
Бизни унутганни унутмоқ керак.



Ҳотамлигинг ёлғондир, ҳотам,
Битта қувонч дилда, минг мотам.
Қачон, қачон бўламан одам,
Сени, сени,
Унутиб қўйдим.

Дилни эмас, қўлни севарлар,
Майли, равон йўлни севарлар.
Қачон, қачон гулни севарлар,
Сени, сени,
Унутиб қўйдим.

Исмим, исминг нимади ўзи,
Дунё хароб кемади ўзи?
Ҳолинг нечук демади ўзи,
Сени, сени,
Унутиб қўйдим.

Мени ҳеч ким билмайди сира,
Энди бахтим кулмайди сира.
О, муҳаббат, о, гули сара,
Сени, сени,
Унутиб қўйдим.



Бу қандайин шаклсиз туйғу,
Бу қандайин тушниксиз азоб.
Бу қандайин сўроқ бўлдийкин,
Бу қандайин жавобдир, Жавоб.

Бу қандай ранг, айтсанг-чи рассом,
Бир товланса парча-парча кўк.
Бу ким бўлди хоксор шунчалар,
Англаб бўлмас даража Буюк.

Бу қандайин ҳаётбахш оҳанг,
О, муганний тўхтама бир дам.
Осмон оқди, замин ҳам оқди,
Оқиб кетди кўшилиб дил ҳам.



Севгилим, эртага тонглар уйғонар,
Менинг дил жилоли кўшиқларимдан.
Қайдадир тош қотган бонглар уйғонар,
Руҳимдай сафоли кўшиқларимдан.

Ўшанда кўкларга тегди бошим,
Осмонни қоғоздай қия бошлайман.
Юраги тошларни эрисин учун,
Нур инган қалбимни қуя бошлайман.

Ўшанда йўлингга чиқаман пешвоз,
Кўзларим кўзингни шояд ўқийди.
Шунда ўлиб қолсам, кўзимга кўниб,
Шивирлаб капалак оят ўқийди.
Севгилим...



ЭЙ ГУЛ

Ичикиб қирларга гул сочди баҳор,
Ногаҳон йўқотди осмон кўзини.
Ҳали ҳеч қандай гул сен каби ёниб,
Бахшида этмаган менга ўзини.

Ким сенга қоқилиб йиқилди, эй тош,
Ким боғлаб кўяди оғриган ерин.
Ҳали ҳеч қандай гул сен каби ёниб,
Ишониб айтмаган менга бор сирин.

Қара, оламларни тутмоқда бир оҳ,
Оҳларга тўлди-я, бўйи ва эни.
Ҳали ҳеч қандай гул сен каби ёниб,
Севмаган, севмаган, севмаган мени.

Мен қачон, айт, қачон арзийман сенга,
Бошимга балолар бўлса ҳам оғрин.
Ҳали ҳеч қандай гул сен каби ёниб,
Энтикиб бағримга босмаган бағрин.



МУНАВВАР ДАРД

Бир мунаввар дардлар менга сингил бўлди,
Дунё сенинг қай бир ишинг енгил бўлди?
Балоларга қолиб кетган кўнгил бўлди,
Онажоним, ўйларимдан кечолмайман,
Мунгли-мунгли куйларимдан кечолмайман.

Кўшиқ айтиб учаяпман осмонларга,
Юрагимни сочиб-социб сайхонларга,
Қалдирғочлар чуғурлаган айвонларда
Қилган орзу-ўйларимдан кечолмайман,
Мунгли-мунгли куйларимдан кечолмайман.

Бу йўл экан, ўтаверар одамлар ҳам,
Гоҳо изли, гоҳо изсиз қадамлар ҳам,
Баъзан малҳам бўлолмаскан малҳамлар ҳам,
Ўжар-қайсар ўйларимдан кечолмайман,
Мунгли-мунгли куйларимдан кечолмайман.

Чаман-чаман гул ундириб тупроғимдан,
Яшайдирман нурлар сепиб чироғимдан,
Она, сизни жондай асраб қароғимда,
Эзгу, дилбар ўйларимдан кечолмайман,
Мунгли-мунгли куйларимдан кечолмайман.



ЭЙ, ОЙ

**Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен,
Етти қат самодан ўткизаман мен,
Энг ҳарир чоғларга еткизаман мен,
Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен.**

**Кўнглимга ўт қўйган зўр оҳлар билан,
Энг нурли, энг тоза нигоҳлар билан,
Кўзларимдан оққан булоқлар билан,
Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен.**

**Кафтимда турибди дунёи дунча,
Менинг дунёларга ҳушим йўқ унча,
Атиргул тикони бағрим тилгунча,
Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен.**

**Хазонлар кузакнинг муаззам арзи,
Бу ҳам оламнинг бир кўриниш тарзи,
Фақат битта нарса юрагим фарзи,
Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен.**



НИДО

Оппоқ деган дунёларим сиёҳ балки,
Дунё дилни ўлдиргувчи гиёҳ балки,
Савоб дея қилганларим гуноҳ балки,
Мени ёлғиз ўзинг қўлла, Парвардигор.

Чархлар келди, юрагимни чархлаб кетди,
Ва жонимни япроқларга нархлаб кетди.
Улар келиб нимани ҳам фарқлаб кетди,
Мени ёлғиз ўзинг қўлла, Парвардигор.

Тош отдилар, юрагимда тоғлар пайдо,
Тупроқ бўлди ўшал тоғлар, доғлар пайдо,
Қалбим қайга борган бўлса, боғлар пайдо,
Мени ёлғиз ўзинг қўлла, Парвардигор.

Ҳушим учиб, дунёларга учдим баъзан,
Ростдан тониб, рўёларга учдим баъзан,
Йўқ тонмайман, дўстимдан ҳам кечдим баъзан,
Мени ёлғиз ўзинг қўлла, Парвардигор.

Ахир, қандай яшираман ҳайратимни,
Биласан-ку, сувратим не, сийратим не,
Кўриб ўлсам, сени топган Файратимни,
Мени ёлғиз ўзинг қўлла, Парвардигор.



Равшан қачон, қачон равшан тортади дил,
Гарданимга оғир ғамлар ортади дил.
Кўзинг тула ёшларни ким артади дил,
Равшан қачон, қачон равшан тортади дил.

Гар мустаҳкам бўлмаса дил арки нима,
Бул касларнинг дилсиз топган эрки нима,
Боғлар тўла наргисларнинг кўрки нима,
Равшан қачон, қачон равшан тортади дил.

О, муҳаббат дунё дейман, зўр этмасанг,
Ўзинг келиб кўзларимни кўр этмасанг.
Битта дилга гар бир қатим нур этмасанг,
Равшан қачон, қачон равшан тортади дил.

Димоғларни куйдиради ҳар нафасим,
Мингта гулдан гўзал эрур алвон сасим.
Ўзинг менинг муҳаббатим, муқаддасим,
Ишон равшан, ишон равшан тортади дил.



СИЗНИ ҲЙЛАЙВЕРАМАН

**Кўнглим, мен майсаман, беозор майса,
Фақат қуёш сари бўйлайвераман.
Қанийди, дардларим, ғамим камайса,
Айтинг, нега сизни ҳйлайвераман?**

**Сизнинг ёдингизда борманму, йўқму,
Бир ҳазин қўшиқлар куйлайвераман.
Ичимни куйдирган оловму, чўғму,
Айтинг, нега сизни ҳйлайвераман?**

**Ахир, эртақларга ишонмасдим-ку,
Ўзимга эртақлар сўйлайвераман.
Тақдир бу тутганинг асалму, оғу,
Айтинг, нега сизни ҳйлайвераман?**

**Чаманда ҳйнаган нурлар айланай,
Сароблар базмида тўйлайвераман.
Ўйлардан кечмоққа турибману шай,
Айтинг, нега сизни ҳйлайвераман?**

**Бу ҳолат исмини билмайди ҳеч ким,
Қалбимни ишқ билан ийлайвераман.
Барибир билмайман, тушунмайман, жим,
Айтинг, нега сизни ҳйлайвераман?**



Гоҳи замин, гоҳи кўнгли осмонман,
Мен ишқ тараф, мен садоқат томонман,
Дунё, мен ҳам тўрт-беш кунлик меҳмонман,
Сен меҳмонни сийлаш нима билмайсан.

Жавоб бермак они бордир сўровга,
Унда-ку, рост биров боқмас бировга,
Юрак, ўзинг уриб чўғга, оловга,
Сен ўзингни ўйлаш нима билмайсан.

Гул экан деб, ҳар чаманга бўйлама,
Дил ўзингни аламларга бойлама,
Булбул танҳо ҳофизман деб ўйлама,
Сен майсадек куйлаш нима билмайсан.

Доим ўзни ҳақир билгин, гадо бил,
Сокингина оқар азим дарё, бил,
Оҳ, намунча шовқин-сурон, садо, бил,
Сен сукутдек сўйлаш нима билмайсан.

Гоҳи замин, гоҳи кўнгли осмонман,
Мен ишққа хеш, мен садоқат томонман,
Дунё, мен ҳам келиб-кетар меҳмонман,
Сен меҳмонни сийлаш нима билмайсан.



Нени ҳам истарди телба дил майли,
Изларингни излаб изғиган дайди,
Битта сўз, барча қалб айтишга ҳақли,
Мендан яхшисини топиб бўлмайди.

Оҳ, менинг боғимда япроқлар сайли,
Шивири кўнглимни муаззам байти.
Мажнун бўлган чоғим, бўлсанг-чи Лайли,
Мендан яхшисини топиб бўлмайди.

Дунё нима, ахир айт, ўзинг, дунё,
Эҳ, қанча юраклар дунёнинг сайди.
Кўзларингда ундир, кўзимда ун ё,
Мендан яхшисини топиб бўлмайди.

Ўзимни ўзимда яратсам токи,
Ўзимни ўзимда топсам қанийди.
Сендан яхшиси йўқ, шуни ҳам билки,
Мендан яхшисини топиб бўлмайди.

МУНДАРИЖА

ЮЛДУЗЛАРГА ЧИҚИБ ҚЎШИҚ АЙТАМАН

| | |
|--|----|
| “Севги-севги...” | 4 |
| Мардлар юрти | 5 |
| Ҳеч кимга ўхшамайсан | 6 |
| Ватандир | 7 |
| Алпомишнинг қўшиғи | 8 |
| “Қучоқлагим...” | 9 |
| Онажон шаҳрим | 10 |
| Ифтихор | 12 |
| “Сен азалий умидим...” | 14 |
| Айланайин | 15 |
| Навоий | 16 |
| Ҳазрати Бобур | 17 |
| Соғинч | 18 |
| Дуосин ол онажонингни | 19 |
| “Тўп-тўп юлдузларни...” | 20 |
| “Дил боқади...” | 21 |
| “Сўраманг...” | 22 |
| Юртимнинг ёзи | 23 |
| Даламга мактуб | 24 |
| “Ота...” | 25 |
| Ҳўжаилмкони (<i>достондан</i>) | 26 |
| “Бу тун...” | 37 |
| Кечир мени синглим | 38 |
| Кўзим нури | 39 |
| Абдулла Қодирийни хотирлаб | 40 |
| Зулфия момонинг қизлари | 41 |
| Эй сўз | 42 |
| Бахшиёна | 43 |
| Орзу | 44 |

СЕНДАН НЕНИ ЯШИРАЙ, ДУНЁ

| | |
|------------------------------------|----|
| Гули рух | 46 |
| Тополмайман | 47 |
| “Хужа илм кон...” | 48 |
| Юракка | 49 |
| Кетсанг | 50 |
| “Куюш ётоғидан...” | 51 |
| Шавкат аканинг мунгли қўшиғи | 52 |
| “Нечун қизғонайин...” | 53 |
| “Куйдираман...” | 54 |
| “Кўзларидан...” | 55 |
| Юрагим | 56 |
| “Кулгулар сизмади ...” | 57 |
| Сочларингга бойлонаман | 58 |
| “Сенда юрак...” | 59 |
| Бу одам | 60 |
| Севги (<i>туркумдан</i>) | 61 |
| Сиз мен каби | 63 |
| Бахтиёрлик | 64 |
| Сенинг исмингни | 65 |
| Севдим | 66 |
| Мулоқот | 67 |
| “Кунглим...” | 68 |
| Ажиб ҳолат | 69 |
| Илтижо | 70 |
| Билсанг | 71 |
| Сўроқ | 72 |
| “Гардимизга...” | 73 |
| Райҳонгинам | 74 |
| Кавсарим | 75 |
| “Бу оламга...” | 76 |
| Ҳаётим | 77 |
| Шукрона | 78 |
| “Менми...” | 79 |

| | |
|---------------------------|----|
| “Дўстим...” | 80 |
| “Бу дунёда...” | 81 |
| “Дунё бозор...” | 82 |
| “Шалолалар...” | 83 |
| Япроқ | 84 |
| Ҳаётга | 85 |
| Сени эсладим | 86 |
| “Кетаётган сенмидинг...” | 87 |
| Малоҳат оланинг шеъри | 88 |
| Мен сени ўзимдан сўрайман | 89 |
| “Тошиблар кетяпти...” | 90 |
| “Ҳилолим...” | 91 |
| Бахтнинг шакли | 92 |
| “Турфа савдо...” | 93 |
| “Бир парча ер” | 94 |

ОҚҚУШЛАРГА АЙЛАНАР ЮРАК

| | |
|---------------------------------|-----|
| “Меҳрларинг асраб...” | 96 |
| Лаҳза | 97 |
| “Сирож ака...” | 98 |
| Ҳижрон қўшиғи | 99 |
| Таскин | 100 |
| “Менинг ҳеч кимим йўқ...” | 101 |
| Зулфижон | 102 |
| “Мен сенга нима ҳам деярдим...” | 103 |
| Баёт | 104 |
| Юраккинам | 105 |
| Бу гул | 106 |
| Видо | 107 |
| Севги | 108 |
| Сендан кечмайман | 109 |
| “Кўксимни очсам...” | 110 |
| “Жоним бу юрагим...” | 111 |
| “Ойдин кучоғимда...” | 112 |

| | |
|--------------------------------------|-----|
| Бир ҳис борки | 113 |
| Собитлик | 114 |
| Гул санам (<i>туркумдан</i>) | 115 |
| “Иккинчи қават...” | 118 |
| Бегоналик | 119 |
| Васф | 120 |
| “Оҳ, бунчалар” | 121 |
| Болалик соғинчи | 122 |
| Бунча оз севасиз | 123 |
| Чорлов | 124 |
| Ажрим | 125 |
| “Менинг бахтсизлигим” | 126 |
| Савол | 127 |
| “Бизни ҳеч ким...” | 128 |
| Бир кун | 129 |
| Илҳақлик | 130 |
| Ортингиздан боргим келяпти | 131 |
| Йўловчи | 132 |
| “Бир учиб...” | 133 |
| Қадр | 134 |
| “Мен кетдим ...” | 135 |
| “Менинг ярим кўнглим...” | 136 |
| “Гулим, зилол-зилол...” | 137 |
| “Узилдими...” | 138 |
| “Менинг кўзларимни...” | 139 |
| “Бизсиз бахтга...” | 140 |
| Оҳ урдим | 141 |
| “Булбулларим...” | 142 |
| “Агар...” | 143 |
| “Қайга учаяпсан...” | 144 |
| Васл | 145 |
| “Қирга қизғалдоқлар...” | 146 |
| “Келгин...” | 147 |
| “Кўкайингдан...” | 148 |
| Дунё | 149 |

| | |
|-----------------------------|-----|
| “Хавасим йўқ...” | 150 |
| “Ассалому алайкум...” | 151 |
| Оққушгинам | 152 |

ШЕЪР ҚИЛАМАН БУТУН ДУНЁНИ

| | |
|-----------------------------------|-----|
| Ишқ | 154 |
| Сен қачон келасан? | 155 |
| Ёмғирлар | 156 |
| Муҳаббат учун | 157 |
| Ишонма | 158 |
| Алам | 159 |
| Ёмғиржоним | 161 |
| “Менинг кўзларим...” | 162 |
| Сени топсам ўзни йўқотиб | 163 |
| Далда | 164 |
| Гулижон | 165 |
| Маликам | 166 |
| Ҳадя | 167 |
| Муножот | 168 |
| Таъриф | 169 |
| Наргис (<i>достондан</i>) | 170 |
| “Эй кўнгил...” | 174 |
| Хотира | 175 |
| “Қошлар камон...” | 176 |
| Иҳрор | 177 |
| “Келдим” | 178 |
| Юзма-юз | 179 |
| “Сенга дунё...” | 180 |
| “Сенинг ўйинг билан...” | 181 |
| Кийикчалар | 182 |
| “Ошуфта дилимни...” | 183 |
| Ёлгонларим | 184 |
| Муқаддас оғрик | 185 |
| Зарурат | 186 |

| | |
|---------------------------|-----|
| “Севги, сендан...” | 187 |
| Нилуфар (туркумдан) | 188 |
| Жонгинам менинг | 191 |
| “Ўзимни алдайман...” | 192 |
| “Ойни кучдим...” | 193 |
| Севмади | 194 |
| “Муддао” | 195 |
| Сенинг | 196 |
| “Буткул қийноқлардан...” | 197 |
| “Дилойим...” | 198 |
| “Ҳотамлигинг ёлғондир...” | 199 |
| “Бу қандайин...” | 200 |
| “Севгилим...” | 201 |
| Эй гул | 202 |
| Мунаввар дард | 203 |
| Эй ой | 204 |
| Нило | 205 |
| “Равшан қачон...” | 206 |
| Сизни ўйлайвераман | 207 |
| “Гоҳи замин...” | 208 |
| “Нени ҳам истарди...” | 209 |

84(5У)6

М 23

Мажид, Ғайрат
Ишққа борар йўл. Ғайрат Мажид.— Т.:
«O‘zbekiston», 2009.—216 б.

ББК 84(5У)6

Ғайрат Мажид
ИШҚҚА БОРАР ЙЎЛ

Шеърлар

Муҳаррир *Турсун Али*
Бадий муҳаррир *Р. Зуфаров*
Техник муҳаррир *У. Ким*
Саҳифаловчи *Л. Абкеримова*

Босишга рухсат этилди 10.04.2009. Бичими 70x90¹/₃₂.
Офсет босма. Шартли б. т. 7,90. Нашриёт б. т. 5,55.
Адади 2000. Буюртма № 08-241.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.